

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

38-сон
(382)
2009 йил
22 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

413. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида куроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–219-сон Қонуни
414. «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185²-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ–220-сон Қонуни
415. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–221-сон Қонуни

416. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 17 сентябрдаги ўРҚ–222-сон Қонуни

Бешинчи бўлим

418. «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1635-1*)

419. «16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2009 йил 13 августдаги 14, 51-ҚҚ-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2005*)

420. «Қурилиш материаллари саноати ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 25 августдаги 55-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2006*)

421. «Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг ғазна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 4 августдаги 70, 20/8-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1599-2*)

422. «Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2007*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 12 сентябрдан 18 сентябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

413 **Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қурооллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 20 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 29 августда
маъқулланган

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қурооллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Душанбе, 2008 йил 28 август) қуйидаги билдириш ва шарт билан ратификация қилинсин:

1) **Битимнинг 2-моддаси 2-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси шуни билдирадигани, Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Бош прокуратураси Битимни бажаришга масъул бўлган ваколатли органлар этиб белгиланган»;

2) **Битимнинг 3 ва 4-моддалари** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси ҳамкорликни ўз миллий қонунчилигига зид келмайдиган қисми бўйича амалга оширади».

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 14 сентябрь,
ЎРҚ-219-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 15 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

414 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185²-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 24 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 29 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда) **185²-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралashiш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралashiш кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) **101-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«101-модда. Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 15 сентябрь,
ЎРҚ–220-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

415 **Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 12 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 28 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–ХІІ-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда) қуйидаги мазмундаги **186³-модда** билан тўлдирилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

«186³-модда. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш:

- а) кўп миқдорда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса;
- д) баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса;
- е) дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг сифати ва давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш:

- а) жуда кўп миқдорда;
 - б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;
 - в) одам ўлишига сабаб бўлса, —
- саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш:

- а) одамлар ўлимига сабаб бўлса;
 - б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —
- ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси

Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда) **345-моддасининг олтинчи қисми** «185²» рақамидан кейин «186³» рақами билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **165¹-модда** билан тўлдирилсин:

«165¹-модда. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш —

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «165» рақамидан кейин «165¹» рақами билан тўлдирилсин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 сентябрь,
ЎРҚ-221-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

416 «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 12 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 28 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги 415-І-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 120-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модда:**

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**дори воситалари** — келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир нечта дори моддалари (субстанциялар) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар. Улар жумласига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташхис

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

қўйиш ва стерилизация воситалари, шунингдек дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун мўлжалланган дори моддалари (субстанциялар) киради»;

ўн еттинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«**тиббий буюмлар** — касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун тиббиётда қўлланиладиган буюмлар»;

қўйидаги мазмундаги **ўн саккизинчи, ўн тўққизинчи** ва **йигирманчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«**қалбакилаштирилган дори воситаси** — таркиби ва (ёки) ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлғон маълумот илова қилинган дори воситаси;

сифатсиз дори воситаси — яроқсиз ҳолга келган дори воситаси ва (ёки) яроқлилиқ муддати ўтган дори воситаси;

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхалари — интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда муомалага киритилган дори воситалари»;

2) **7-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаларини, қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини ишлаб чиқариш тақиқланади»;

3) **13-модданинг бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қалбакилаштирилган ва рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини реализация қилиш тақиқланади.

Сифатсиз дори воситаларини реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади»;

4) **14-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилиш тақиқланади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 сентябрь,
ЎРҚ-222-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****418** **Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1635-1*

(2009 йил 24 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37-38-сон, 372-модда) қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1635, 2006 йил 31 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 43-44-сон, 436-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 15 август,
23/4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**419 16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш
ҳақида тиббий хулоса бериш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2005*

(2009 йил 25 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. 16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низоми (янги таҳрирда) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 2007 йил 12 июндаги «16 ёшгача бўлган болаларга ногиронликни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги 6, 29/1-сон қарори (рўйхат рақами 1695, 2007 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 25-26-сон, 277-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўн кундан сўнг кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 август,
14-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 август,
51-ҚҚ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва
аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазирлигининг 2009 йил 13 августдаги
14, 51-ҚҚ-сон қарорига
ИЛОВА

16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий хулоса бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) мувофиқ 16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида (бундан кейинги ўринларда болалар деб юритилади) тиббий хулосани бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. 16 ёшгача бўлган ногирон болалар деганда жисмоний, аклий, рухий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож шахслар тушунилади.

Болаларнинг турмуш фаолияти чекланганлиги уларнинг ўз-ўзига хизмат қилиш, юриш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат қилиш, шунингдек таълим олиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилияти ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлигида ифодаланади.

2. Болаларни ногирон деб топиш уларнинг қонуний вакиллари — оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг доимий яшаш жойидаги туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган тиббий-маслаҳат комиссияси (бундан кейинги ўринларда ТМК деб юритилади) томонидан мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. ТМК даволаш-профилактика муассасанинг таркибий тузилмаси ҳисобланади ва бевосита бош шифокорга бўйсунди.

4. ТМКга туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаси бош шифокори ўринбосари раислик қилади.

ТМК таркиби бош шифокор ўринбосари, бўлим бошлиғи ва даволовчи шифокорлар (педиатр, терапевт, психиатр, фтизиатр ва бошқа мутахассислар)дан таркибидан иборат бўлиб, унинг иш режаси туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаси бош шифокори томонидан тасдиқланган жадвал асосида олиб борилади.

5. ТМК томонидан бериладиган болаларни ногирон деб топиш тўғрисида тиббий хулоса (бундан кейинги ўринларда тиббий хулоса деб юритилади) болаларга ижтимоий нафақа тайинлашга асос бўлади.

II. Болаларни ногирон деб топиш тартиби

6. Болаларни тиббий текширувлардан ўтказиш жараёнида шифокорлар (педиатр, терапевт, психиатр, фтизиатр ва бошқалар) томонидан уларда ушбу Низомнинг 1-илоvasида келтирилган «16 ёшгача бўлган ногирон болаларга нафақа олиш ҳуқуқини берувчи тиббий кўрсатмалар рўйхати»да (бундан кейинги ўринларда Тиббий кўрсатмалар рўйхати деб юритилади) кўрсатилган касалликлар ва ногиронлик белгиларини аниқлаган ҳолларда, болаларнинг тиббий ҳужжатлари (касаллик тарихидан кўчирма, зарурият бўлган ҳолларда рентген, УТТ, ЭЭГ, компьютер томографияси, лаборатория-биохимик синамалари ва ўтказилган бошқа текширувлар) асосида уларнинг қонуний вакиллари — ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг доимий яшаш жойидаги ТМК томонидан тиббий хулоса расмийлаштирилади.

Айрим ҳолларда ногирон болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар паспорти бўйича рўйхатда турган жойларда яшамасдан бошқа жойларда ҳам яшашлари мумкин. Мазкур ҳолатда болаларнинг тиббий ҳужжатлари яшаш жойидаги тиббий муассасадаги ТМКга тақдим этилиб, тиббий хулоса расмийлаштирилади ва паспорт бўйича рўйхатда турган жойидаги ТМК томонидан ҳам тасдиқланади.

7. Болаларга ТМК мажлиси тўлиқ таркибда ўтказилган ҳолда тиббий хулоса берилади ва болалар ногирон деб топилади.

8. ТМК тиббий хулосани беришда қуйидагиларни эътиборга олиши лозим:

болаларнинг тиббий ҳужжатларидаги маълумотлар (касаллик тарихидан кўчирма, айрим ҳолларда рентген, УТТ, ЭЭГ, компьютер томографияси, лаборатория-биохимик синамалари ўтказилган текширувлар);

ногиронликка сабаб бўлган ҳолатлар (туғма, наслдан-наслга ўтадиган касалликлар ёки жароҳат ва сурункали касалликлар, орттирилган патологик ҳолатлар натижасида юзага келган турмуш фаолиятининг чекланганлиги);

касалликнинг хусусияти, болаларнинг ёши, унинг аъзолари функциясининг бузилиш даражаси, компенсатор механизмлар ҳолати, касалликларнинг кечиши, ижтимоий мослашув имкониятлари;

болаларнинг тиббий, ижтимоий, психологик, педагогик, жисмоний, касбга ва меҳнатга доир комплексларини қамраб олган реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурида белгиланадиган ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги ва бошқалар.

9. Тиббий хулоса болаларни белгиланган тартибда шифохона шароитида тиббий текширувидан ўтказилиб, даволаш ҳамда реабилитация тадбирлари натижаларига кўра берилади. Бунда, тиббий хулоса болаларнинг шифо-

хоналарда (шу жумладан ихтисослаштирилган шифохоналарда) ҳамда амбулатория-поликлиника шароитида даволангандан кейин ҳам 6 ойдан ортик давом этаётган патологик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ТМК томонидан берилади.

Туғма аномалиялар ҳамда ҳаёт давомида орттирилган анатомик нуқсонлар ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (туберкулёз, онкологик касалликлар (хавфли ўсмалар), мохов, рухий касалликлар, ОИТС ва жинсий аъзолар орқали юқадиган бошқа касалликлар) аниқланганда барча даволаш тадбирлари ўтказилгандан сўнг 6 ой кузатуvidан илгарироқ тиббий ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганда, тиббий хулоса умумий асосларда берилиши мумкин.

10. Касалликлар ва уларнинг патологик ҳолатларига мувофиқ тиббий хулосалар 1 йил муддатга, 2 йил муддатга ёки бир йўла 16 ёшгача бўлган муддатга берилади ва бола 16 ёшга тўлган ойнанинг охиригача нафақа тўланади.

11. Тиббий кўрсатмалар рўйхатининг I-бўлимида кўрсатилган патологик ҳолатлар, яъни касалликлар жароҳат ёки амалга оширилган тиббий амалиётлар натижасида болаларнинг тана аъзоси ва аъзолар тизимларининг функцияси бузилиши сабабли, гарчи даволаш натижасида кўрсатилган ҳолатлар тикланиши мумкин бўлсада, болаларнинг яшаш фаолиятини чекланишига ва ижтимоий ҳаётга мослаша олмасликка олиб келган ҳолатларда тиббий хулосалар 1 йил муддатга берилади.

12. Тиббий кўрсатмалар рўйхатининг II-бўлимида кўрсатилган патологик ҳолатлар, яъни болалар организми функцияларининг кучли даражада бузилган, уларнинг ўзгалар ёрдамига муҳтожлиги сезилган ва ўз-ўзига хизмат қилиши чегараланган, лекин болаларда тузалиш эҳтимоли бўлган ҳолатларда тиббий хулоса 2 йил муддатга берилади. Бунда, болаларнинг физиологик, анатомик, тана аъзоси ва аъзолар тизимларининг компенсатор ҳолатлари, уларнинг тез ўсувчанлиги ва тикланиши ҳисобга олинади.

13. Тиббий кўрсатмалар рўйхатининг III-бўлимида кўрсатилган ҳолатлар, яъни ўз-ўзига хизмат қилишнинг тўлиқ йўқолишига олиб келувчи организм фаолиятининг кескин, турғун ва орқага қайтмас бузилиши натижасида болаларнинг яшаш фаолиятининг кучли даражада чегараланишига ва ижтимоий ҳаётга мослаша олмасликка олиб борадиган аъзо ва унинг тизимларининг патологик ҳолатларида тиббий хулоса болаларнинг 16 ёшга тўлгунгача бўлган муддатга берилади. Бунда, болаларнинг аҳволини динамик кузатиш, уларни реабилитация техник воситалари билан таъминлаш ва ҳаётга мослашувчанлигини белгилаш мақсадида тиббий хулоса дастлаб 2 йил муддатга берилади. Мазкур муддат тугагач ТМК томонидан тиббий хулоса болаларнинг 16 ёшга тўлгунгача бўлган муддатга берилади.

14. Тиббий хулоса берилиши билан бирга ТМК томонидан ногирон болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга фарзандларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишлар лозимлиги, шу билан бирга, болаларнинг муҳтожлигидан келиб чиқиб, тиббий кўрсатмаларга асосан протез-ортопедия маҳсулотлари ҳамда реабилитация техник воси-

талари билан таъминланиши тушунтирилади ва бу борада тиббий хулосада қайд этилади.

15. ТМК касаллик тавсифига кўра ногирон болага реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини тузади ва унинг ижросини таъминлайди.

16. Ногиронлик белгиланган болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар болаларнинг ўз вақтида диспансер назоратидан ўтказилиши ва уларнинг ўз вақтида даволаниши, соғломлаштирилиши учун масъул эканлиги тўғрисида ҳудудий тиббий муассасалар мутахассислари томонидан тарғибот ишлари олиб борилади.

III. Тиббий хулосани расмийлаштириш тартиби

17. Тиббий хулоса ТМК томонидан ушбу Низомнинг 2-иловасида белгиланган шаклда расмийлаштирилади ва ҳудудий ТМК раиси ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда мазкур даволаш-профилактика муассасасининг муҳри билан тасдиқланади.

Тиббий хулосада боланинг касаллик тарихидан олинган маълумотлар, шунингдек унинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг паспортидаги маълумотлар бўлиши лозим.

18. Тиббий хулоса 1 ёки 2 йиллик муддатга берилган ҳолатларда тиббий хулосада 17-бандда кўрсатилган маълумотлардан ташқари, шунингдек боланинг навбатдаги тиббий кўрикдан ўтиш санаси ҳам кўрсатилади.

Болани қайта кўрикдан ўтказиш муддатлари касалликнинг оғирлик даражаси, унинг кечиши, функционал етишмовчиликнинг турғунлиги, ўз-ўзига хизмат қила олиш ҳолати, ҳаракатланиш, чамалаш, мулоқот, ўқиш, ўз юриш-туришини назорат қилиш қобилиятининг башорат қилинадиган динамикасига қараб белгиланади.

19. Ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ тиббий хулосада болаларга берилиши лозим бўлган мазкур болалар учун протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари кўрсатилади.

20. ТМК томонидан ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ 16 ёшгача ногиронликни қайд қилиш дафтари юритилади.

21. Болалар ТМК кўригидан мазкур Низомда белгиланган тартибда тақдим этилган тиббий ҳужжатлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб 10 кун муддатда ўтказилади.

Тиббий хулоса болалар тиббий кўрикдан ўтган куни ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга топширилади.

22. Ногиронликни белгилаш учун асос бўлган анамнестик, объектив маълумотлар, реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури комиссия томонидан боланинг амбулатор картасида (112-шакл) шу куни қайд қилинади ва комиссия аъзолари томонидан имзо билан тасдиқланади.

23. Болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар тиббий хулосалар берилган кундан бошлаб 3 кун муддат ичида тиббий ху-

лосани ўзларининг паспорт бўйича рўйхатда турган жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига топширишлари лозим.

24. Тиббий хулосани қайта берилиши олдинги тиббий хулосада қайд этилган муддатдан кечикмаслиги ва унинг расмийлаштирилиши тиббий хулосада кўрсатилган ойдан олдинги ойининг 1-санасидан бошланиши лозим.

25. 16 ёшга тўлмасдан бир ой олдин ногирон болаларни ногиронлик гуруҳини белгилаш мақсадида ўрнатилган тартибда тегишли тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига юборилади.

26. Тиббий хулосани бериш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар махсус сейфларда сақланиб, унинг ҳисоб-китоби туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларининг раҳбарлари томонидан махсус буйруқ асосида юклатилган масъул ходим томонидан олиб борилади.

Ҳужжатларнинг сақланиш муддати — 25 йил.

27. ТМКнинг фаолияти устидан назорат қилиш туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасасининг бош шифокорлари, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар ҳокимиятлари соғлиқни сақлаш бошқармаларининг бош педиатрлари зиммасига юклатилади.

IV. Тиббий хулосани бекор қилиш тартиби ва асослари

28. Тиббий хулоса қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

— соғайганлиги туфайли;

— 16 ёшга тўлганлиги сабабли;

— вафот этганлиги сабабли;

— бола оиласи билан доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ёки бошқа жойга кўчиб кетганда.

29. Тиббий хулосани бекор қилиш ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ ТМК хулосаси асосида амалга оширилади.

V. Яқуний қоидалар

30. Тиббий хулоса натижаларидан норози бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ соғлиқни сақлаш муассасасининг юқори ташкилотига ёки судга муурожаат қилишлари мумкин.

31. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

16 ёшгача бўлган ногирон болаларга нафақа олиш ҳуқуқини берувчи тиббий кўрсатмалар РЎЙХАТИ

I. 1 йил муддатга ногиронлик белгиланадиган касалликларнинг номлари ва уларнинг клиник кўринишлари

Касалликларнинг номлари ва патологик ҳолатлари	Клиник кўринишлар ва функционал ҳолатларнинг тавсифи
<p>1. Бош ва орқа мия жароҳатлари ҳамда туғруқ жароҳатлари оқибати, бош ва орқа мия қон айланишининг оғир бузилишлари, перивентрикуляр лейкомаляция, марказий нерв системасининг вирусли инфекциялари, туғма нуқсонлар оқибати, ақлий-нутқий ривожланишдан орқада қолиши, гидроцефалияни декомпенсация даври.</p>	<p>Ҳаракат, руҳий ва нутқ бузилишларининг аниқ клиник кўринишларида ҳаракатнинг (чуқур парез, плегия, парепарез, параплегия, трипарез, триплегия, гемиплегия, гемипарез, тетрапарез, тетраплегия, афазия, дизартрия, порциал ва генераллашган эпилептик хуружи, хотирани) бузилиши.</p> <p>Спастик тетрапарез, гемипарез, контрактура, ақлий ривожланишнинг орқада қолиши, тутқаноқ хуружлари, гилайлик, ютинишни бузилиши, нутқни кучли бузилиши.</p> <p>Субдурал, субарахноидал, паренхиматоз, қоринчалар ичига ва бошқа қон қуйилишлар, елка плексити ва бошқа плекситлар, миелит. Қўл ва оёқларда парез, фалажлик, мушак гипотрофияси, тутқаноқ хуружи, ақлий ва нутқий ривожланишда орқада қолиш, гилайлик, дисфагия, дизартрия, чаноқ аъзолари функциясининг бузилиши.</p> <p>Тез-тез (ойда 4 ва ундан кўпроқ) тутқаноқ хуружи, гиперкинез, гемипарезлар, парезлар, ақлий ҳамда ҳаракат ривожланишининг орқада қолиши.</p> <p>Кучли мия қутиси гипертензияси, тез-тез (2-3 хуруж бир ҳафта давомида) такрорланувчи талваса хуружлари, кўз тубидаги асоратлар, парезлар, плегиялар, ақлий, нутқий ва ҳаракат ривожланишида орқада қолишлар.</p>
<p>2. Хирургик амалиётдан кейинги ҳолатлар: ички аъзоларида, суяк-мушак тизимида, мия қутисида, кулоқ-томоқ-бурун аъзоларида ва суяк-мушак тизимини туғма аномалияси (ривожланиш нуқсонлари ва деформациялари) билан туғилган чақалоқларда узоқ назоратни ва коррекцияни талаб қиладиган ҳолатлари.</p>	<p>Операциядан кейинги даврда узоқ қайта тиклаш ва реабилитацион муолажаларни талаб қиладиган ҳолатлар, деформацияни гипс боғлами ёрдамида босқичма-босқич даволаш ҳолати.</p>
<p>3. Сийдик таносил системаси касалликлари.</p>	<p>Буйрак функцияси бузилишининг яққол клиник кўринишлари, буйрак тўқимасида патологик жараённинг юқори фаоллик даражаси (жараён 6 ойдан узоқ давом этса). Ҳар йили 2 ойдан кўпроқ қайталанадиган патологик ҳолатлар (буйрак етишмовчилигининг II-III даражаси, битта буйрак йўқлигида иккинчи буйракнинг пиелонефрит билан касалланиши).</p>

Касалликларнинг номлари ва патологик ҳолатлари	Клиник кўринишлар ва функционал ҳолатларнинг тавсифи
4. Тромбоцитопеник Пурпура ва бошқа геморрагик ҳолатлар.	Коагулопатия ва тромбоцитопатия, тромбоцитопеник пурпура оғир асорат билан 2 ой ва ортиқ ҳар йили битта ёки ундан ортиқ хуружлар билан кечиши. Тромбоцитларнинг сони 50000 дан кам бўлиши, тромбоцитлар функциясини кескин пасайиши ҳамда геморрагик тошмалар ва қон кетиш (бурун, оғиз бўшлиғи, бачадон, ошқозон-ичак ва бошқалар) ҳолатлари.
5. Ошқозон яра касаллиги.	Асоратли кечиши. Касаллик хуружининг бир йилда икки ва ундан ортиқ қайталаниши, қон кетиши.
12 бармоқли ичак яраси.	Касалликнинг асоратли кечиши. Анемия (НВ 60 г/л дан паст бўлиши), сурункали кечиши (6 ойдан ортиқ).
6. Бачадондан дисфункционал қон кетиш.	Ҳар йили 3 ойдан кўпроқ қайталанадиган патологик ҳолатларнинг юқори фаоллик даражаси, функционал етишмовчилик ёки бузилишининг II-III даражаси.
7. Бириктирувчи тўқиманинг систем шикастланиши (систем қизил югурук, дерматополимиозит), ёшлар ревматоид артрити ва тугунчали периартеритнинг оғир турлари.	Ўпка гипертензияси ва гипоксемия билан асоратланган ҳолатларда бўлиши.
8. Юрак ва қон айланиш системаси туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари: очиқ артериал йўли, бўлмачалараро туғма нуқсонни, қоринчалараро туғма нуқсонни) операциядан кейинги ҳолати.	Терапевтик ёндошишни талаб қиладиган модда алмашуви, иммун тизими, қон томирлар деворининг бузилиши, периферик қонда патологик ўзгаришлари (умумий оқсилни пасайиши, гемоглобинни 60 гр/лдан камайиши, анизоцитоз).
9. Узоқ вақт давом этадиган касалликларда, 3 ойдан кўпроқ кучли таъсир қилувчи препаратлар қўлланилганда вужудга келадиган ҳолатлар.	Периферик қонда гиперферментемия (2-3 фаоллик даражасида - АСТ, АЛТ 1 ммол/л, ТИМОЛ миқдорининг 7 ммол/л, ва билирубиннинг 20,5 ммол/л дан юқори бўлиши), гепатоспленомегалия натижасида диспептик ва астеник бузилишлар.
10. Гепатит В, С ва Делта-Агентли турлари.	Ташхис қўйилган вақтидан бошлаб махсус пархезни зарурлик давридан то махсус пархезни тугатилиш даврига қадар.
11. Ирсий модда алмашинуви касалликлари (фенилкетонурия, галактоземия, целиакция ва бошқалар).	Хирургик ва бошқа даволаш усуллари ҳамда химиотерапия ва нур билан даволашдан сўнг ҳамда «II-III босқичда»ги ҳолатлар.
12. Хавфли ўсмалар.	Белгилари: кучли мия кутиси гипертензияси, тез-тез такрорланувчи талваса хуружлари, кўз тубидаги асоратлар, парезлар, плегиялар, ақлий, нутқий, мотор ривожланишида орқада қолишлар.
13. Туғма гидроцефалия.	Юқори даражали интоксикация. Ўпка, юрак фаолияти етишмовчилигининг II даражаси.
14. Кўкрак қафаси аъзолари сили: Кўкрак ичи лимфа тугунлар сили, бирламчи сил комплекси, ўпка сили, сил плеврити.	

**II. 2 йил муддатга ногиронлик белгиланадиган касалликларнинг
номлари ва уларнинг клиник кўринишлари**

A. Асаб тизими фаолиятининг бузилиши

Касалликларнинг номлари ва патологик ҳолатлари	Клиник кўринишлар ва функционал ҳолатларнинг тавсифи
1. Туғма ва орттирилган асаб тизими марказий ва периферик шикастланишларининг оқибатлари (травматик, перинатал, инфекциян, интоксикацион, орттирилган туғма-дегенератив ва бошқа кўринишлар). Эпилепсия.	Доимий яққол кўринишидаги ўртача ҳаракат бузилишлари: монопарез, моноплегия, парапарез, параплегия, трипарез, триплегия, гемипарез, гемиплегия, тетрапарез, тетраплегия, гиперкинезлар, бошқарувнинг бузилиши, нутқ, кўриш, чаноқ аъзоларининг, орқа мия фаолиятининг бузилишлари; Тез-тез қайталанувчи даволанишга резистент тутқаноқлар шахс ўзгариши билан (ойда 4 ва ундан ортиқ катта ёки кунда тез-тез кичик ёки талвасасиз тутқаноқлар); 6 ой ва ундан кўпроқ давом этадиган оғир руҳий ҳолатлар.
2. Болалар церебрал фалажи, перевентрикуляр лейкомаляция, энцефалит, икки томонлама кондуктив ва нейросенсор карлик.	Турғун алалия, афазиянинг умумлашмаган шакли, оғир даражадаги дизартрия.
3. Ақлий заифлик.	Ақлий заифликнинг ўрта даражаси, кўриш, эшитиш, нутқ, хулқ-атворнинг бузилишлари, таянч-ҳаракат аппарати, чаноқ аъзолари фаолиятининг бузилишлари билан кечиши. Ақлий заифлик (чуқур ёки оғир даражасига мос келадиган ҳолатлар).
Б. Ички аъзолар ва тизимларнинг бузилиши	
Касалликларнинг номлари ва патологик ҳолатлари	Клиник кўринишлар ва функционал ҳолатларнинг тавсифи
1. Ҳиқилдоқ ва трахеянинг туғма ва орттирилган касалликлари.	Трахеостомиясиз мустақил нафас олмаслик.
2. Қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизмни жалб этувчи айрим бузилишлар.	Йилида 1 марта анемик кризлар, периферик қонда гемоглобин миқдорининг 60 г/лдан пасайиши, эритроцит, лейкоцит, тромбоцитлар сонининг камайиши (эритроцитлар — 2,5 млн.дан, лейкоцитлар — 3 мингдан, тромбоцитлар — 100 мингдан пасайиши), анизоцитоз, пойкилоцитоз, микроцитоз.
3. Астма.	Ўрта ва оғир кечиши (йилда 4 ва ундан ортиқ қайталаниши, гормонларга мойиллиги). Нафас етишмовчилигининг II-III даражаси.
4. Ошқозон, 12 бармоқли ичак яра касаллиги. Ичакнинг бошқа касалликлари. Целиакия. Жигар (жигар фибрози ва циррози, сурункали вирусли гепатит), ўт пуфаги, ўт йўллари ва ошқозон ости бези касалликлари ва туғма ривожланиш нуқсонлари.	Овқат ҳазм қилиш ва жигар функциясининг яққол бузилиши даражасида (гиперферментемия, иккиламчи жигар белгилари). Овқат ҳазм қилиш жараёнининг яққол бузилиши: сурункали диарея, оқсилсиз шишлар, стеаторея, глюкозатолерантлик синамасида ясси қанд эгрилиги, теридаги хлоридлар синамасида С1-60ммол/лдан юқори бўлиши. Махсус пархезнинг зарурлиги, жисмоний ривожланишдан ортда қолиши.
5. Қон айланиш системаси туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари, маълум бир ёшгача операция қилиб бўлмайдиган ҳолатлар, юрак ва йирик қон томирларида ўтказилган хирургик амалиётдан кейинги ҳолатлар).	Турғун юрак ва қон айланиши етишмовчилигининг II-III даражаси, яққол сурункали гипоксемия, синкопал ҳолат, юрак ритмининг бузилиши, жумладан кардиостимулятор имплантациясидан сўнги ҳолати.

Касалликларнинг номлари ва патологик ҳолатлари	Клиник кўринишлар ва функционал ҳолатларнинг тавсифи
<p>6. Тери ва тери ости клетчаткаси, шиллиқ парда касалликлари: туғма буллез эпидермолиз;</p> <p>пўрсилдоқ (пузирчатка);</p> <p>туғма ихтиоз;</p> <p>склеродермия, қизил югурук (красная волчанка);</p> <p>энтропатик акродерматит;</p> <p>туғма порфирия;</p> <p>Дюрингни учиксимон дерматити.</p>	<p>Тери ва шиллиқ парданинг тарқоқ шикастланиши (яраланган, эритродермия ва бошқалар).</p> <p>Қўл ва оёқларнинг ёзилувчи соҳаларида, бармоқларининг устки юзаларида пуфаклар, эрозиялар, уларни ўрнида чандиқли атрофия ҳосил бўлиши. Мутиляция ва контрактуралар билан кечиши. Тошмалар доимо арзимаган шикастлар (микротравма) натижасида қайталаниб туриши.</p> <p>Баданда, оғиз шиллиқ қаватларида қобиғи бўш пуфаклар, юзалари намланиб турадиган оғриқли эрозияларни ҳосил бўлиши, касалликни сурункали кечиши, сезилмас сабаб натижасида қайталаниши.</p> <p>Туғилгандан бошлаб боланинг тери қалинлашиб, тангачалар ҳосил бўлиши (балиқ тангачаси) ҳамда тери эластиклиги камайиб, ёрилиш билан кечиши.</p> <p>Тери ва шиллиқ парданинг тарқоқ шикастланиши (эритродермия, атрофия ва унинг натижасида баданда ассиметрик ўзгаришлар). кўпинча юзни ёноқ соҳасида бурун терисида капалак шаклидаги қизариш сўнг қалинлашув ва атрофия пайдо бўлиши, системали клиник шаклида ички аъзоларда ўзгаришлар ва касаллик белгилари доимо кучайиб бориши билан кечиши.</p> <p>Табиий тешиклар атрофидаги терининг шикастланиши (эритродермия, шилиниши, тангача ва қатқалоқлар билан қопланиши) ва ич кетиши билан кечиши.</p> <p>Қуёш нури тушган соҳаларда тери қизариши, пуфакчалар, эрозия яралар ва пигментациялар ҳосил бўлиши ҳамда тирноқ ва сочларни атрофияси билан кечиши. Сийдик ва қонда порфиринлар миқдори кўпайиши.</p> <p>Тери ва шиллиқ парданинг тарқоқ шикастланиши (яраланган, эритродермия, қичиши).</p>
<p>7. Туғма ва ирсий касалликлар ва синдромлар, шу қаторда митохондриял касалликлар ҳамда модда алмасуви бузилишлари касалликлари.</p> <p>Миопатиялар, неврал амиотрофиялар, ирсий нейродегенератив касалликлар – лейкодистрофия, гепатолентикуляр дегенерация ва бошқалар.</p> <p>Ирсий рахитсимон касалликлар, мукополисахаридозлар, тугалланмаган остеогенез, Марфан синдроми, Элерс-Данло синдроми ва бошқалар.</p> <p>Хромосома бузилишлари: Даун синдроми, Клайнфельтер синдроми, Шершевский-Тернер синдроми, Патау синдроми, Эдвардс синдроми ва бошқалар.</p>	<p>Доимий яққол кўринишидаги ўртача ҳаракат бузилишлари: парапарез, параплегия, трипарез, триплегия, гемипарез, гемиплегия, тетрапарез, тетраплегия, гиперкинезлар, бошқарувнинг бузилиши, нутқ, кўриш, чаноқ аъзоларининг, орқа мия фаолиятининг бузилишлари.</p> <p>Ҳаётий фаолиятининг ҳамда таянч-ҳаракат тизимининг кучли бузилиши. Гиперкинезлар, бошқарувнинг ҳамда нутқнинг бузилиши.</p> <p>Тез-тез (4 хуруж бир ой давомида) қайталанувчи даволанишга резистент тутқаноқлар .</p> <p>6 ой ва ундан кўпроқ давом этадиган оғир руҳий ҳолатлар.</p> <p>Яққол ақлий заифлик (ақлий заифликнинг чуқур ва оғир даражасига мос келадиган ҳолатлар).</p> <p>Доимий яққол кўринишидаги ўртача ҳаракат (генераллашган гипо- ва гипер-тониялар) бузилишлари: парапарез, параплегия, трипарез, триплегия, гемипарез, гемиплегия, тетрапарез, тетраплегия, гиперкинезлар, бошқарувнинг бузилиши, нутқ, кўриш, чаноқ аъзоларининг, орқа мия фаолиятининг бузилишлари. Генетик текширув ҳар бир касалликка хос текшириш натижалари асос бўлиб хизмат қилади.</p>

В. Ортопедик ва хирургик касалликлар	
Касалликларнинг номлари ва патологик ҳолатлари	Клиник кўринишлар ва функционал ҳолатларнинг тавсифи
<p>1. Суяк-мушак системаси ва бириктирувчи тўқима касалликлари, (этиологияга боғлиқ бўлмаган полиартритлар, коллагенозлар, остеомиелитларнинг оғир шакллари ва уларнинг асоратлари, мутиляция, туғма анатомик нуқсонлар, контрактура, синдактилия, полидактилия, артропатия. Суяк-бўғим тизимида оғир операциялардан сўнгги ҳолатлар. Куйишдан кейинги келлоид чандиқли контрактуралар.</p>	<p>а) Суяк тўқимасининг яққол деструкцияси (остеопороз, тоғай билан узвийлиги), мушаклардаги патологик ўзгаришлар, мушак ва суякларнинг нуқсонига олиб келадиган, яъни қайталанувчи патологик синишлар, бўғимлар фаолиятининг II-III даражали функционал етишмовчилиги.</p> <p>б) Умуртқа поғонаси ва кўкрак қафасининг III-IV даражали деформацияси натижасида таянч-ҳаракат аппаратининг ва нафас олиш фаолиятининг II-III даражали функционал етишмовчилиги. Бир ёки бир нечта бўғимларнинг контрактуралари ва анкилозлари, катта найсимон суякларнинг ёлғон бўғимлари.</p> <p>в) бир оёқ-қўл ёки унинг сегментида туғма нуқсонлар бўлиши натижасида оёқ-қўллар функциясининг III-IV даражали бузилишлари.</p> <p>г) бир ёки иккала оёқ ва қўллардаги деформацияга олиб келган ҳолатлар.</p>
		Ип газлама костюм	12
		Комбинацияланган кўлқоп	1
		Каска	24
		Содалар ва селитраларни транспортда ташиш бўйича ишларни бажаришда:	
		Ип газлама костюм	12
		Резина калта этик	12
		Комбинацияланган кўлқоп	1
		Каска	24

Т/р	Касби ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)
		Муфелларга идишларни транспортда ташиш бўйича ишларни бажаришда:	
		Ип газлама фартук	6
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Каска	24
		Муфель печларига кўмир ташиб келиш бўйича ишларни бажаришда:	
		Ип газлама фартук	6
		Комбинацияланган қўлқоп	1
662.	Сирловчи	Идишларни сирлаш бўйича ишларни бажарганда:	
		Ип газлама халат	12
		Буюмлар ёнидан эмалларнинг сизишини олдини олиш ишларини бажаришда:	
		Ип газлама халат	12
		Резина бармоқ қопчалари	Яроқсиз бўлгунча
XVII. УМУМИЙ КАСБЛАР			
663.	Алиф тайёрловчи аппаратчи	Резина кўкрак фартуги	12
		Чарм ботинка	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
664.	Ҳаво тақсимловчи аппаратчи	Ип газлама куртка	12
		Резина этик	12
		Брезент қўлқоп	Навбатчи
		Резина қўлқоп	Навбатчи
665.	Асфальтбетончи (асфальтловчи); смола тайёрловчи; газчи; флюс қайнатгич	Брезент костюм	12
		Чарм ботинка	12
		Брезент қўлқоп	2
666.	Юк ортгич ҳайдовчиси; майда-ловчи; чигирчи; бульдозер машинисти (бульдозерчи); ҳаво-канатли йўл машинисти; конвейер машинисти; ички ёнишли двигателли суриладиган компрессорлар машинисти; электродвигателли суриладиган компрессорлар машинисти; кран машинисти; экскаватор машинисти; механик курак мотористи; автомобиль кранлар машинисти; ағдарувчи; отувчи; тормоз тугмачаси хизмати билан банд бўлганлар	Ип газлама костюм	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Каска	24
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Совуқ ўтказмайдиган модда шимдирилган астарли ип газлама куртка	36
		Совуқ ўтказмайдиган модда шимдирилган астарли ип газлама шим	36
		Кигиз этик	48
		Қўшимча электродвигатель билан ишлаганда:	
		Диэлектр қўлқоп	Навбатчи
		Диэлектр калиш	Навбатчи
667.	Геодезист; геологик ва маркшейдерлик ишларидаги ўлчовчи; топография-геодезия ишларидаги ишчи	Плаш	48
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Совуқ ўтказмайдиган модда шимдирилган астарли ип газлама куртка	36
		Совуқ ўтказмайдиган модда шимдирилган астарли ип газлама шим	36
		Кигиз этик	48

Т/р	Касби ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)
		Нам шароитда бажариладиган ишларда:	
		Резина этик	12
668.	Маҳсулот ва хом ашёларни тайёрловчи	Содаларни тайёрлаш ва қуритиш батареялари-ни каустик билан тўлғизиш бўйича ишларни бажаришда:	
		Брезент костюм	12
		Резина этик	12
		Брезент қўлқоп	2
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
669.	Қўрғошин-қалай қотишмаларини қуювчи	Брезент фартук	6
		Брезент қўлқоп	2
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
670.	Чархловчи; жилвирловчи; сайқалловчи; қайроқловчи; силлиқловчи	Дивкалар ва чархларда, дастгоҳларда қуруқ усул билан ишларни бажаришда:	
		Ип газлама калта комбинезон	12
		Комбинацияланган қўлқоп	1
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
671.	Баллонларни синовчи	Ип газлама костюм	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
672.	Омборчи	Кислород баллонли омборларда ишлаганда:	
		Ип газлама костюм	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Ишқорлар ва кислота омборларидаги ишларда:	
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Резина кўкрак фартуги	6
		Резина этик	12
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
673.	Ўювчи ишқорлар ва кислота-лардан намуна олиш билан банд бўлган намуна олувчи; заҳарланган буюмларни текшириш билан банд бўлган назоратчи	Брезент фартук	12
		Резина калта этик	12
		Резина қўлқоп	3
674.	Мисгар	Иссиқлик билан ишлов бериладиган ишларни бажаришда:	
		Ип газлама куртка	12
		Брезент фартук	6
		Брезент қўлқоп	1
		Совуқлик билан ишлов бериладиган ишларни бажаришда:	
		Брезент фартук	6
		Комбинацияланган қўлқоп	1

Т/р	Касби ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)
675.	Ёрдамчи ишчи	Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Совуқ ўтказмайдиган модда шимдирилган астарли ип газлама куртка	36
		Совуқ ўтказмайдиган модда шимдирилган астарли ип газлама шим	36
		Ишқор ва кислоталарни қуйиш, етказиб бериш ишларини бажаришда:	
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Резина кўкрак фартуги	6
		Резина этик	12
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
676.	Қўлда текисловчи	Брезент кўкрак фартуги	12
		Комбинацияланган қўлқоп	1
677.	Машиналарда текисловчи	Ип газлама куртка	12
		Комбинацияланган қўлқоп	1
678.	Прессловчи	Резина кўкрак фартуги	12
		Резина этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
679.	Ёғочли буюмларни ва тахталарни шимдирувчи	Ёғочни креозот ва бошқа кимёвий моддалар билан шимдириш бўйича ишларни бажаришда:	
		Брезент костюм	12
		Чарм ботинка	12
		Брезент қўлқоп	1
680.	Маҳсулотларни ёғлаш ва парафинлаш, локлаш билан банд бўлганлар	Ип газлама халат	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
681.	Насос станциясидан чиқинди ва қуйқаларни ташиш билан банд бўлганлар	Ип газлама костюм	12
		Резина этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
682.	Оқова коллекторлари ва каналлар, сув ўтказадиган ариқлар, тиндиргичлар, градиренларни тозалаш билан банд бўлганлар	Брезент костюм	Навбатчи
		Резина этик	12
		Брезент қўлқоп	Навбатчи
683.	Қуювчи-тўқувчи	Сульфит-спирт бардларини қуйиш-тўқиш бўйича ишларни бажарганда:	
		Брезент костюм	12
		Чарм ботинка	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
684.	Заҳарли моддалар билан ишлашда банд бўлганлар	Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Резина кўкрак фартуги	6
		Резина этик	12
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Мовут қўлқоп	2
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча

Т/р	Касби ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)
685.	Юк ташувчи	Вагончалар ва аравачаларда ҳар-хил юкларни ташиш бўйича ишларни бажарганда:	
		Брезент фартук	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Совуқ ўтказмайдиган модда шимдирилган астарли ип газлама куртка	36
686.	Пуркаловчи	Ип газлама костюм	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча

Изоҳ: қурилиш материалларини ер ости ва очиқ конларда қазиб олишда «Кон-металлургия ишлаб чиқаришлари корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрлари»дан (рўйхат рақами 1902, 13 феврал 2009 йил) фойдаланилади.

ХVII. Яқуний қоида

Мазкур Намунавий меъёрлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси томонидан келишилган.

*Ўзбекистон Касаба
уюшмалари Федерацияси
кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2009 йил 20 август

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ХЎЖАЕВ

2009 йил 20 август

*«Ўзқурилишматериаллари»
акционерлик компанияси раиси*

Э. АКРАМОВ

2009 йил 20 август

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

421 «Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг газна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1599-2*

(2009 йил 26 сентябрдан кучга киради)

«Бюджет тизими тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2 сон, 6-модда) ва «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 9-сон, 164-модда) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ–532-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 26-бандига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) асосан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2007 й., 9-10-сон, 82-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар**:

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 12 июлдаги 61, 279-В-сонли «Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг газна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1599, 2006 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 296-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 14 ноябрдаги 97, 279-В-1-сонли «Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг газна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1599-1, 2006 йил 25 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 48 — 50-сон, 490-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 4 август,
70-сон

Марказий банк раиси**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 4 август,
20/8-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****422 Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидаларини тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2007*

(2009 йил 26 сентябрдан кучга киради)

«Бюджет тизими тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2 сон, 6-модда) ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 9-сон, 164-модда) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 26-банди (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сон, 82-модда) қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2009 йил 4 август,
69-сон

Р. АЗИМОВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги
69-сон буйруғига
ИЛОВА

Давлат бюджетининг ғазна ижроси ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари (кейинги ўринларда — Қоидалар) «Бюджет тизими тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2 сон, 6-модда) ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 9-сон, 164-модда) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сон, 82-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — ғазначилик бўлинмалари) томонидан республика ва ҳудудий ғазна ҳисобварақларини (кейинги ўринларда — ғазна ҳисобварақлари) қўллаш шароитида республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ғазна ижросини амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар (кейинги ўринларда — махсулот етказиб берувчилар) билан шартномаларини, шу жумладан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномаларини рўйхатга олиш, Ўзбекистон Республикасининг кафолатларини ижро этиш, тегишли бюджетлар харажатларининг тўланиши, шу жумладан ғазна ҳисобварақларидан бюджет ссудалари, субвенция ва дотациялар ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Ғазна ҳисобварақларидан фойдаланиб, ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджетлар, харажат гуруҳлари, бюджетдан маблағ олувчилар, шу жумладан капитал қурилиш буюртмачиларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

2. Накд пул маблағларини олиш учун, шу жумладан бюджетдан маблағ олувчиларнинг ходимларига иш ҳақи тўлаш, хизмат сафари ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа нақд пул шаклидаги харажатларни тўлаш учун ғазначилик бўлинмалари томонидан тижорат банкларда 23212 «Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари» ва 23214 «Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари маблағлари» ҳисобварақлари очилади.

3. Давлат бюджети ғазна ижросининг ҳисобини юритиш, ҳисоботини тузиш ва тақдим этиш қонунчиликда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар ва муддатлар бўйича амалга оширилади.

Ғазна ҳисобварақлари орқали хизмат кўрсатиладиган бюджетдан маблағ олувчилар харажатлар сметаси ижроси тўғрисидаги даврий ҳисобот (1-ОХ шакл ва 2-шакл)ни юқори ташкилот ва тегишли молия органларига тақдим этгунга қадар, уни хизмат кўрсатувчи ғазначилик бўлинмалари билан тегишли даврда ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилган касса харажатлари ва аниқланган режали бюджетдан ажратилган маблағлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларига мослигига таққосланади (бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳисоботлари ғазначилик бўлинмаларининг бухгалтерия ҳисоби бўйича ваколатли ходимлари томонидан белгиланган шаклдаги штамп қўйилиб, имзоланади).

II. Республика ғазна ҳисобварағи ва ҳудудий ғазна ҳисобварақлари

4. Давлат бюджетига юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар банклар томонидан ўрнатилган тартибда қабул қилинади ва 23402 (005) «Республика бюджетининг маблағлари» ҳисобварағига кирим қилинади ҳамда белгиланган меъёрларга мувофиқ, банкларда очилган тегишли бюджетларнинг ғазна ҳисобварақларига ажратилади.

5. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўлови молия йили учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида тасдиқланган (аниқланган) харажатлар сметалари, шунингдек мазкур Қоидаларга мувофиқ рўйхатга олинган, бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан тузган шартномалари асосида:

республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги Ғазначилигининг худудий ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

§ 1. Республика ғазна ҳисобварағи

6. Республика бюджетидан молиялаштириладиган барча бюджетдан маблағ олувчилар ғазна ижроси билан тўлиқ қамраб олингунга қадар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказида (кейинги ўринларда — ҲККМ) 23402 (006) баланс рақами билан Республика ғазна ҳисобварағи (кейинги ўринларда — ПФҲ) очилади.

7. ПФҲ га республика бюджетининг ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджетдан маблағ олувчиларнинг касса харажатларини амалга ошириш учун маблағлар ҲККМ да 23402 (005) ҳисобварағи билан очилган республика бюджетининг асосий ҳисобварағидан тушади.

8. ПФҲ даги маблағлар тақсимловчиси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳисобланади.

9. Республика бюджетидан молиялаштиришни амалга ошириш учун ажратилган бюджет маблағларининг бош тақсимловчиси ҳисобланган бюджетдан маблағ олувчилар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тармоқ бошқармаларига бюджетнинг ғазна ижроси билан қамраб олинган ҳар бир бюджетдан маблағ олувчи бўйича сертификат суммасининг ёйилмасини илова қилган ҳолда, шунингдек бюджетнинг ғазна ижроси билан қамраб олинмаган, қуйи турувчи бюджетдан маблағ олувчиларга маблағларни ўтказиш учун бюджет маблағлари бош тақсимловчиларининг бюджет депозит ҳисобварақларига ўтказилиши лозим бўлган қисми бўйича маблағларни ПФҲ га ўтказиш учун расмийлаштирилган тайинлаш сертификатларини тақдим этадилар.

Тармоқ бошқармалари бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган тайинлаш сертификатларини ўрнатилган тартибда текширганларидан сўнг, уларни ижро учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош бошқармасига тақдим этади (кейинги ўринларда — ДБББ).

10. ДБББ бюджетдан маблағ олувчиларнинг тайинлаш сертификатлари асосида республика бюджетининг асосий ҳисобварағидан ПФҲга маблағ ўтказиш учун тўлов топширикномаларини ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади ва уларни ҲККМга ижро учун тақдим қилади.

11. 23402 (005) ҳисобварағидан республика ғазна ҳисобварағига маблағлар ўтганлигини тасдиқловчи ҲККМдан шахсий ҳисобварақдан кўчирмалар олинганидан сўнг, ДБББ ижро этилган тайинлаш сертификатларининг биринчи нусхаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига тақдим этади.

12. Бюджетдан маблағ олувчилар (молиялаштириш сақланган шароитда — ПФҲда молиялаштирилган маблағлар мавжуд бўлганда) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига ПФҲдан маблағларни маҳсу-

лот етказиб берувчиларнинг бевосита банк ҳисобварақларига ёки қонунчиликда назарда тутилган мақсадларга ўтказиш учун тўлов топшириқномаларни қоидага кўра, маблағларни ўтказиш санасидан бир кун олдин тақдим этади.

13. Республика бюджети қарамоғида бўлган бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари (ота-оналарнинг мактабгача таълим муассасаларида болаларни сақлаш учун тўловлари, ота-оналарнинг муסיқа ва санъат мактабларида болаларни ўқитиш учун тўловлари, мактабгача таълим муассасалари ишчиларидан овқатланиш учун тушган тушумлар, шунингдек ижтимоий таъминот органларидан бюджет ташкилоти ходимларига пенсия ва ижтимоий нафақа тўлаш учун тушган маблағлар) ўрнатилган тартибда ПФХга кирим қилинади.

14. Жорий йилда бюджетдан маблағ олувчиларнинг жорий молия йили учун келиб тушган дебиторлик қарзлари суммаси касса харажатларини тиклаш орқали ПФХга кирим қилинади (бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномалар тузмасдан амалга ошириладиган тўловлари бўйича юридик ва молиявий мажбуриятлар).

15. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўтган йилги дебиторлик қарзларининг жорий молия йилида қайтарилган суммалари, шунингдек товармоддий бойликларни, асосий воситаларни сотишдан ва инвентаризация (текшириш) натижалари бўйича келиб тушган суммалар ПФХга кирим қилинади ва кейинчалик ушбу суммалар бюджетдан маблағ олувчилар жойлашган ҳудуднинг шартли ҳисобварақ рақами (ШХР) билан очилган, 23402 (005) «Республика бюджети маблағлари» даромадлар транзит ҳисобварақлари орқали республика бюджетининг даромадларига ўтказилиши билан алоҳида шахсий ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

16. ПФХ шахсий ҳисобварақларидан кўчирмалар ПФХда операциялар амалга оширилганлигини тасдиқловчи, бирламчи тўлов ҳужжатларининг асл ва кўчирма нусхалари иловалари билан, шунингдек нақд пул маблағларини бериш учун 23212 «Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари» ва 23214 «Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари маблағлари» ҳисобварақларидан кўчирмалар уларга иловалар билан, тегишли равишда, ХККМ ва тегишли хизмат кўрсатувчи банклар томонидан ПФХда ва 23212 «Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари» ва 23214 «Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари маблағлари» ҳисобварақларида маблағлар ҳаракатининг кейинги иш кунида доимий равишда ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилади.

17. Республика бюджети қарамоғида бўлган бюджетдан маблағ олувчиларни ғазна ижроси билан тўлиқ қамраб олингандан сўнг, уларнинг харажатларини республика бюджетининг асосий ҳисобварағидан ПФХга молиялаштириш тўхтатилади ва асосий республика бюджети ҳисобварағи ПФХ билан бирлаштирилади.

18. Республика бюджетининг асосий ҳисобварағи ПФХ билан бирлаштирилгандан сўнг, республика бюджети даромадлари 23402 (005) «Республика бюджетининг маблағлари» ҳудудий даромад транзит ҳисобварақларидан маблағлар тўғридан-тўғри ПФХга кирим қилинади.

§ 2. Худудий ғазна ҳисобварақлари

19. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қарамоғида бўлган бюджетдан маблағ олувчиларнинг пул маблағларини кирим қилиш ва ўтказиш бўйича операциялар худудий ғазна ҳисобварақлари (кейинги ўринларда — ХҒҒ) орқали амалга оширилади.

20. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қарамоғида бўлган бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари (ота-оналарнинг мактабгача таълим муассасаларида болаларни сақлаш учун тўловлари, ота-оналарнинг мусиқа ва санъат мактабларида болаларни ўқитиш учун тўловлари, мактабгача таълим муассасалари ишчиларидан овқатланиш учун тушган тушумлар, шунингдек ижтимоий таъминот органларидан бюджет ташкилоти ходимларига пенсия ва ижтимоий нафақа тўлаш учун тушган маблағлар) ўрнатилган тартибда ХҒҒга кирим қилинади.

21. Жорий йилда бюджетдан маблағ олувчиларнинг жорий молия йили учун келиб тушган дебиторлик қарзлари суммаси касса харажатларини тиклаш орқали ХҒҒга кирим қилинади (бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномалар тузмасдан амалга ошириладиган тўловлари бўйича юридик ва молиявий мажбуриятлар).

22. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўтган йилги дебиторлик қарзларининг жорий молия йилида қайтарилган суммалари, шунингдек товар-моддий бойликларни, асосий воситаларни сотишдан ва инвентаризация (текшириш) натижалари бўйича келиб тушган суммалар ХҒҒга кирим қилинади ва кейинчалик ушбу суммалар бюджетдан маблағ олувчилар жойлашган худуднинг шартли ҳисобварақ рақами (ШХР) билан очилган 23402 (005) «Республика бюджети маблағлари» даромадлар транзит ҳисобварақлари орқали тегишли бюджетларнинг даромадларига ўтказилиши билан алоҳида шахсий ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

23. ХҒҒ шахсий ҳисобварақларидан кўчирмалар ХҒҒда операциялар амалга оширилганлигини тасдиқловчи, бирламчи тўлов ҳужжатларининг асл ва кўчирма нусхалари иловалари билан, шунингдек нақд пул маблағларини бериш учун 23212 «Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари» ва 23214 «Ғазначиликнинг худудий бўлинмалари маблағлари» ҳисобварақларидан кўчирмалар уларга иловалар билан, тегишли банклар томонидан ХҒҒда ва 23212 «Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари» ва 23214 «Ғазначиликнинг худудий бўлинмалари маблағлари» ҳисобварақларида маблағлар ҳаракатининг кейинги иш кунида доимий равишда ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилади.

III. Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг ёйилмаси

24. Даромадлар прогнозлари ва тасдиқланган ажратилган бюджет маб-

лағлари ҳисобини юритиш учун молия органлари бўлимлари томонидан ғазначилик бўлинмаларига қўйидагилар тақдим этилади:

бюджетлар тасдиқлангунича — ойлар кесимида вақтинчалик чораклик даромадлар ва харажатлар ёйилмалари;

бюджетлар тасдиқлангандан сўнг — ойлар кесимида даромадлар ва харажатларнинг йиллик ёйилмалари*.

25. Тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатларининг баланс-лаштирилган ойлик ёйилмаси, шунингдек тегишли бюджетларнинг вақтинчалик ва доимий даромадлари ва харажатлари ёйилмаларини тақдим этиш шакллари ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

IV. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларини ва уларга ўзгартиришларни ғазначилик бўлинмаларига тақдим этиш

26. Бюджетдан маблағ олувчилар бюджет харажатларини амалга ошириш учун ғазначилик бўлинмаларига қўйидагиларни:

а) бюджет маблағлари бўйича:

доимий харажатлар сметалари молия органларида рўйхатга олингунига қадар — биринчи чорак учун ойлар кесимида молия бўлимларида рўйхатга олинган вақтинчалик харажатлар сметалари нусхаларини;

доимий харажатлар сметалари молия органларида рўйхатга олингандан сўнг — молия органларида рўйхатга олинган, ойлар кесимида доимий харажатлар сметаларини;

б) бюджетдан ташқари маблағлар бўйича — молия органларида рўйхатга олинган, бюджетдан ташқари маблағларнинг келиб тушиши ва ишлатилишининг чекланиши ойлар кесимида кўрсатилган вақтинчалик ва аниқланган харажатлар сметалари нусхаларини тақдим этадилар (келиб тушиши ва сарфланиш йўналиши чекланмаган бюджетдан ташқари маблағлар турлари бундан мустасно).

27. Бюджетдан маблағ олувчилар бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметалари нусхаларини ва уларга иловаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Захира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши захира жамғармаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги захира жамғармалари маблағлари ҳисобига ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни, улар молия органларида ўрнатилган тартибда рўйхатга олингандан сўнг, ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилдилар.

28. Капитал қурилиш объектлари бўйича капитал қурилиш буюртмачилари ғазначилик бўлинмаларига мазкур Қоидаларнинг 1-иловасидаги шакл-

* Ойлар кесимидаги даромадлар ва харажатлар ёйилмасини тақдим этиш меъёри, тегишли бюджетнинг даромадлари ва харажатлари ғазначилик ижроси билан тўлиқ қамраб олингандан сўнг кучга киритилади.

га мувофиқ, тегишли молия органлари билан келишилган, тасдиқланган қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) ва қурилишларнинг титул рўйхати асосида тузилган харажатларнинг ойлар кесимидаги ёйилмасини (Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш объектлари бўйича харажатлар сметаси) тақдим этадилар.

Капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлар кесимидаги ёйилмасига аниқликлар қурилишларнинг манзилли ва титул рўйхатларининг аниқланиши асосида киритилади.

29. Ҳазначилик бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет таснифининг тегишли бўлим, боб ва параграфлари бўйича харажатларини қуйидаги ҳолларда тўхтатиш ҳуқуқига эга:

бюджетдан маблағ олувчиларнинг тегишли молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган ҳисоботларни тақдим этмаган ҳолларда (молия органлари томонидан ҳазначилик бўлинмаларини бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳисобот топширмаганлиги тўғрисидаги ёзма билдиришномаси бўйича), тегишли бюджетдан маблағ олувчиларнинг раҳбарларини хабардор қилган ҳолда;

тегишли молия органлари томонидан тегишли бюджетларнинг вақтинчалик ва доимий даромадлар ва харажатлар ёйилмалари белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда — улар тақдим этилгунга қадар муддатга;

тегишли бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харажатлар сметалари белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда — улар тақдим этилгунга қадар муддатга;

ёйилмада кўрсатилган бюджетлар харажатлари суммаси ва сметаларда кўрсатилган харажатлар суммасининг йиғиндиси ўртасида фарқлар аниқланганда — фарқларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этгунгача муддатга;

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ажратилган бюджет маблағларини ўзгартиришга сўровнома келишиш учун тақдим қилинганда — улар томонидан сўровнома асосида тайёрланган сметага тегишли барча ўзгартиришларни ва уларнинг ўзаро муваффақиятли солиштиришларни ёки тегишли молия органининг киритилаётган ўзгартиришни рад этганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномаси тақдим этилгунга қадар муддатга;

молия органлари томонидан ажратилган бюджет маблағларини ўзгартиришга тақдимнома келишиш учун тақдим қилинганда — улар томонидан тақдимномалар асосида тайёрланган сметаларга тегишли барча ўзгартиришларни ва уларнинг ўзаро муваффақиятли солиштиришлари ёки тегишли молия органининг киритилаётган ўзгартиришларни рад этганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномаси тақдим этилгунга қадар муддатга;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Бунда, харажатларнинг тўхтатилиши ажратилган бюджет маблағларининг камайтирилиши назарда тутилаётган бўлим, боб ва параграфлар ва харажатлар моддалари бўйича амалга оширилади.

30. Тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатларининг ёйилмасига,

бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларига, қурилишларнинг манзилли ва титул рўйхатлари (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати)га ўзгартиришларнинг киритилиши молия органлари томонидан бюджетдан маблағ олувчилар ва буюртмачилар билан биргаликда, ушбу ўзгартиришлар учун сўровномалар ва тақдимномалар тегишли ғазначилик бўлинмалари билан келишилгандан сўнг амалга оширилади.

31. Ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари суммаларининг қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлар, шунингдек амалга оширилган касса харажатларининг ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари суммаларидан ошишига олиб келадиган миқдорларда бюджет маблағларининг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ажратилган бюджет маблағларининг камайтирилиши бюджетдан маблағ олувчилар ва уларнинг маҳсулот етказиб берувчилари билан ўзаро юридик мажбуриятларни бир хилга камайтириш ҳолларида амалга оширилиши мумкин.

Ажратилган бюджет маблағлари кўпайтирилгандан сўнг, бюджетдан маблағ олувчилар ва уларнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан шартномаларига томонлар юридик мажбуриятларининг бир хилда кўпайишини назарда тутадиган ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

32. Тегишли бюджет маблағларининг тақсимловчилари (олувчилари) ташаббуси билан бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаларига ўзгартириш киритилган ҳолларда, улар томонидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган сўровномалар имзолаш учун ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилади.

33. Ғазначилик бўлинмалари таклиф қилинаётган ўзгартиришларни амалга ошириш имконини текширишни таклиф қилинаётган ўзгартиришлар суммасини, тегишли бюджет маблағларининг тақсимловчилари (олувчилари) бўйича уларнинг юридик ва молиявий мажбуриятлари, шунингдек касса харажатлари билан банд қилинмаган, ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари билан солиштириш орқали амалга оширади.

34. Сўровномада кўрсатилган харажатлар турлари бўйича ажратилган бюджет маблағларига таклиф қилинаётган ўзгартиришлар киритишнинг имкони мавжуд бўлганда, ғазначилик бўлинмалари Ғазначилик дастурий мажмуида ушбу бюджет маблағларини тақсимловчилар (олувчилар)нинг шахсий ғазна ҳисобварақларидаги тегишли харажатлар моддалари бўйича кейинги юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва касса харажатларини амалга оширишни тўхтатиб қўяди.

35. Ғазначилик дастурий мажмуида кейинги юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва касса харажатларини амалга ошириш тўхтаиб қўйилгандан сўнг, бюджетдан маблағ олувчилар (тақсимловчилар)нинг сўровномаси тегишли ғазначилик бўлинмаларининг ваколатли ходимлари томонидан имзоланади ва муҳри билан тасдиқланади.

36. Имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги сўровнома, уни ғазначилик бўлинмасига тақдим қилинган куннинг кейинги иш кунидан кечикмаган муддатда, бюджет

маблағининг тақсимловчи (олувчи)га кейинчалик уни тегишли молия органларига тақдим этиш учун қайтарилади.

37. Юридик ва молиявий мажбуриятлар билан банд бўлмаган бюджет маблағлари мавжуд бўлмаганда ва бюджет маблағларига сўровномада кўрсатилган харажат турлари бўйича таклиф қилинаётган ўзгартиришлар киритишнинг имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда, фазначилик бўлинмалари сўровномани қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда бюджетдан маблағ олувчилар (тақсимловчилар)га қайтардилар.

38. Бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаларига тегишли молия органлари ташаббуси билан ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, улар томонидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тақдимнома ёки маълумотнома-билдиришнома лойиҳалари фазначилик бўлинмаларига имзоланган учун тақдим этилади.

39. Фазначилик бўлинмалари тақдимномада таклиф қилинаётган ўзгартиришларни амалга ошириш имконини, таклиф қилинаётган ўзгартиришлар суммасини тегишли бюджет маблағларининг тақсимловчилари (олувчилари) бўйича юридик ва молиявий мажбуриятлар, шунингдек касса харажатлари билан банд қилинмаган ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари билан солиштириш орқали амалга оширади.

40. Тақдимномада кўрсатилган харажат турлари бўйича ажратилган бюджет маблағларига ўзгартиришлар киритишнинг имкони мавжуд бўлганда, фазначилик бўлинмалари Фазначилик дастурий мажмуида ушбу шахсий фазна ҳисобварақларидаги тегишли бўлим, боб, параграф ва харажатлар моддалари бўйича кейинги юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва касса харажатларини амалга оширишни тўхтатиб қўяди.

41. Фазначилик дастурий мажмуида кейинги юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва касса харажатларини амалга ошириш тўхтатиб қўйилгандан сўнг, молия органининг тақдимномаси тегишли фазначилик бўлинмасининг ваколатли ходимлари томонидан имзоланади ва унинг муҳри билан тасдиқланади.

42. Имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги тақдимнома, у фазначилик бўлинмасига тақдим қилинган куннинг кейинги иш кунидан кечикмаган муддатда, тегишли молия органига қайтарилади.

43. Юридик ва молиявий мажбуриятлар билан банд бўлмаган ажратилган бюджет маблағлари мавжуд бўлмаганда ва ажратилган бюджет маблағларига тақдимномада кўрсатилган харажат турлари бўйича таклиф қилинаётган ўзгартиришлар киритишнинг имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда, фазначилик бўлинмалари тақдимномани тегишли молия органига қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда қайтардилар.

44. Молия органлари томонидан қонун ҳужжатлари асосида бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаларига ўзгартиришлар (камайтиришлар) киритилган ҳолларда, фазначилик бўлинмаларига 11-сонли шаклда маълумотнома-билдиришнома лойиҳалари тақдим қилинади (республика бюджети бўйича — Молия вазирлигининг тармоқ бошқармалари Ўзбекистон Республика-

си молия вазирлиги Ҳазначилигига 17-сонли шаклда маълумотнома-билдиришнома лойиҳасини тақдим этади).

45. Ҳазначилик бўлинмалари тақлиф қилинаётган ўзгартиришларни амалга ошириш имконини текширишни, тақлиф қилинаётган ўзгартиришлар суммасини юридик ва молиявий мажбуриятлар, шунингдек тегишли бюджетда турувчи, барча бюджет маблағларини тақсимловчилар (олувчилар)нинг тегишли бўлим, боб, параграф ва харажатлар моддалари бўйича касса харажатлари билан банд қилинмаган ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари билан солиштириш орқали амалга оширадилар.

46. Маълумотнома-билдиришномада кўрсатилган ажратилган бюджет маблағлари лимитларига тақлиф қилинаётган ўзгартиришларни киритиш имкони мавжуд бўлганда, Ҳазначилик бўлинмалари:

Ҳазначилик дастурий мажмуида тегишли бюджет маблағларини тақсимловчилар (олувчилар)нинг тегишли бўлим, боб, параграф ва харажатлар моддалари бўйича кейинги юридик ва молиявий мажбуриятлар олишни ва касса харажатларини амалга оширишни тўхтатиб қўяди;

маълумотнома-билдиришнома лойиҳаси тақдим қилинган куннинг кейинги иш кунидан кечикмаган муддатда ижобий хулоса тузади ва уни тегишли молия органларига тақдим этади.

47. Юридик ва молиявий мажбуриятлар билан банд бўлмаган ажратилган бюджет маблағлари мавжуд бўлмаган ҳолларда ва сўровномада кўрсатилган харажат турлари бўйича ажратилган бюджет маблағлари лимитларига тақлиф қилинаётган ўзгартиришлар киритишнинг имкони мавжуд бўлганда, Ҳазначилик бўлинмалари, маълумотнома-билдиришнома лойиҳаси тақдим қилинган куннинг кейинги иш кунидан кечикмаган муддатда, унга ўзгартиришлар киритиш имкони йўқлиги сабаблари кўрсатилган ҳолда хулоса тузади.

48. Маълумотнома-билдиришномага салбий хулоса олингандан сўнг, тегишли молия органлари уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича чораларни кўрадилар.

49. Юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш ва касса харажатларини амалга оширишни тўхтатиб қўйишни ечиш, Ҳазначилик бўлинмалари томонидан молия органлари тегишли маълумотнома-билдиришнома ва уларни ўзаро солиштириш асосида тайёрланган бюджет маблағлари тақсимловчилар (олувчилар)нинг харажатлар сметаларига ўзгартиришлар рўйхатининг барча нусхаларини тақдим қилганидан кейин амалга оширилади.

V. Имзо намуналари ва муҳр изи карточкаси

50. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан шахсий Ҳазна ҳисобварақлар очишда имзо намуналари ва муҳр изи карточкалари икки нусхада тегишли Ҳазначилик бўлинмаларига тақдим этилади. Карточкаларнинг бир нусхаси юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олувчи мутахассисда, иккинчи нусхаси харажатлар тўловини назорат қилувчи мутахассисда

сақланади. Имзо намуналари ва муҳр изи карточкалари ўрнатилган тартибда тасдиқланади, тасдиқлаш талаб қилинмайдиган давлат муассасаларининг имзо намуналари ва муҳр изи карточкалари бундан мустасно.

Имзо намуналари ва муҳр изи карточкаларида шахсий газна ҳисобва-раклар рақамлари кўрсатилади.

51. Имзо намуналари карточкасига бюджетдан маблағ олувчининг раҳ-бари, бош ҳисобчиси ва юристи ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахсларнинг имзо намунаси киритилади ва бюджетдан маблағ олувчининг муҳри билан тасдиқланади. Агар бюджетдан маблағ олувчида юрист штати мавжуд бўлмаса, унинг имзоси бўлиши талаб қилинмайди.

52. Карточкадаги имзо намуналари тегишли ходимларнинг ўз қўллари билан қўйилган бўлиши лозим (факсимил орқали қўйилишига йўл қўйил-майди).

Биринчи имзо ҳуқуқи бош ҳисобчига ёки иккинчи имзо ҳуқуқига эга бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

53. Вақтинчалик биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқи берилганда, шунинг-дек раҳбар томонидан ваколат берилган шахслардан бири вақтинчалик ал-маштирилганда, янги карточка тузилмайди, фақат вақтинча ваколатга эга бўлган шахснинг имзо намунаси бўлган қўшимча карточка, амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда, тақдим этилади. Вақтинчалик карточкага раҳ-барнинг имзоси қўйилади, муҳр изи билан тасдиқланади ҳамда нотариус ёки юқори турувчи ташкилот томонидан тасдиқланади.

54. Муҳр ўзгарганда, карточкада акс эттирилган имзолардан бири ал-машганда ёки тўлдирилганда, бюджетдан маблағ олувчилар нотариус ёки юқори турувчи ташкилот томонидан тасдиқланган янги имзо намуналари ва муҳр изи карточкасини тақдим этади. Бекор қилинган имзо намуналари ва муҳр изи карточкаси газначилик бўлинмасида сақланади.

55. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджетдан маблағ олувчи таш-килот раҳбарининг буйруғи асосида газначилик бўлинмалари билан ишлаш учун аниқ ходимлар белгиланади.

VI. Юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш

§ 1. Юридик мажбуриятларни рўйхатга олишнинг умумий қоидалари

56. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг Давлат бюджети ҳисобидан маҳ-сулот етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек капитал қурилиш буюртмачиларининг шартномалари газначилик бўлинмаларида мажбурий тартибда рўйхатга олинади.

Бунда, бюджет маблағлари ҳисобидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш бўйича тузадиган шартномаларида, қоидага кўра, 15 фоиз миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилиши белги-ланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

57. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг иккинчи томон олдидаги юридик

мажбуриятлари тузилган шартномалар (контрактлар), қонун ҳужжатлари (мисол учун йиғимлар, бадаллар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича юридик мажбуриятлар) асосида юзага келади.

58. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан қабул қилинадиган юридик мажбуриятлар ҳажми, қоидага қўра, улар иқтисодий таснифнинг тегишли моддалари бўйича харажатлар сметаларида назарда тутилган, ажратилган бюджет маблағлари билан, капитал қўйилмалар харажатлари бўйича эса — ҳар бир объект бўйича ўрнатилган тартибда тасдиқланган капитал қўйилмалар билан чегараланади.

59. Бюджетдан маблағ олувчилар маҳсулот етказиб берувчилар билан вақтинчалик сметада назарда тутилган суммалардан ошмаган суммаларга шартномалар тузадилар. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг асосий сметаси рўйхатга олингандан сўнг, олдинги қабул қилинган юридик мажбуриятлар суммасини ҳисобга олган ҳолда, олдинги шартномаларга қўшимча келишувлар тузиши мумкин.

60. I ва II гуруҳ харажатлари бўйича юридик мажбуриятлар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатларни тўлаш учун нақд пул олишга сўровномалар асосида рўйхатга олинади.

61. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан шартномалари фақат харажатларни қоплашга манбанинг мавжудлиги тўғрисидаги тасдиқнома ва ушбу мақсадларга ажратилган бюджет маблағлари (лимитлари) мавжуд бўлган ҳарид ҳажмигагина тузилиши мумкин.

62. Бюджетдан маблағ олувчилар билан маҳсулот етказиб берувчилар (пудрачилар) ўртасидаги шартномаларнинг амал қилиш муддати тегишли молия йилининг 31 декабридан кечикмаган муддатга тузилиши лозим, бажариш муддати бир неча йилни ташкил қилиши мумкин бўлган (капитал қўйилмаларнинг бир неча йилга мўлжалланганлигини тасдиқловчи манзилли рўйхатлар асосида) капитал қўйилмалар (капитал қурилиш, реконструкция) бўйича шартномалар бундан мустасно.

63. Манзилли рўйхатлар асосида бир неча йил давом этадиган капитал қўйилмалар бўйича вазначилик бўлинмалари томонидан Вазначилик дастурий мажмуида жорий молия йили учун юридик мажбуриятларни тасдиқланган манзилли рўйхатда қурилиш пудратчи ташкилотига тўлаб берилиши назарда тутилган маблағлар доирасида ҳисобга олинади. Шартноманинг қолган суммаси, уларни тегишли объект ва йиллар бўйича манзилли ва титул рўйхатларда акс эттирилиши шarti билан кейинги йилларнинг юридик мажбуриятларида ҳисобга олинади.

64. Харажатлар сметасида назарда тутилган ажратилган бюджет маблағлари суммалари асосида аниқланган юридик мажбуриятларни қабул қилиш лимитлари, молия йили бошидаги бюджет маблағлари ҳисобидан тўланиши лозим бўлган тегишли моддалар бўйича мавжуд кредиторлик қарзлари суммасига камайтирилади.

65. Молия йили бошига мавжуд кредиторлик қарзлари иқтисодий таснифнинг маълум моддасига, функционал таснифнинг бўлим ва параграфига алоқадорлигининг кўрсатилиши, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан

ғазначилик бўлинмаларига тегишли молия йилида хўжалик операциялари бошлангунига қадар ёзма равишда тақдим этилади.

66. Бюджетдан маблағ олувчиларга тўлов манбаи сифатида Давлат бюджети маблағлари ҳисобига, молия йилидан ошадиган муддатга, шунингдек лизинг ва (ёки) бошқа турдаги кредитлар ҳисобига товар (иш, хизмат) лар харид қилишга шартнома тузиш тақиқланади.

67. Агар бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари бир вақтнинг ўзида бир нечта параграф ва ташкилотлар бўйича амалга оширилса, шартномалар ҳар бир шахсий ғазна ҳисобварақ бўйича алоҳида (тегишли параграф бўйича сумма ва шахсий ҳисобварақни алоҳида кўрсатган ҳолда) тузилади.

68. Товар (иш, хизмат)лар учун тўловлар бир нечта маблағлар манбаи ҳисобидан амалга оширилиши назарда тутилган ҳолларда, шартномаларда ушбу манбалар бўйича реквизи́тлар ва ҳар бир манба ҳисобидан тўланиши лозим бўлган суммалар мажбурий тартибда алоҳида кўрсатилади.

69. Бюджетдан маблағ олувчилар товар-моддий бойликларини сотиб олишда маҳсулот етказиб берувчилардан тегишли фаолият тури учун лицензия (рухсатнома)сининг нотариал тасдиқланган нусхасини ва тегишли органларда давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни сўраб оладилар.

Ушбу ҳужжатлар ғазначилик бўлинмаларига рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган шартномалар билан бирга тақдим қилинади.

Тақдим этилган шартномаларда ёки уларга иловаларда товар (иш, хизмат)лар миқдори, нархи ва умумий суммаси кўрсатилган тафсилотли рўйхати акс этирилиши лозим.

70. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномалар тузмасдан бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар (счётлар, квитанциялар, хабарномалар ва бошқа қонун ҳужжатлари) асосида қабул қилинган юридик мажбуриятларининг рўйхатга олиниши қуйидаги мажбуриятлар юзага келган ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

бадаллар, йиғимлар, суднинг қарори, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;

иқтисод қилинган маблағларни Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш;

ягона буюртмачи хизматини сақлаш харажатлари.

71. Бюджетдан маблағ олувчилар импорт қилинаётган товар-моддий бойликларни сотиб олиш учун шартномалар тузишда ва молиявий мажбуриятларни чет эл валютасида тўлаш шарти билан қабул қилишда юзага келиши мумкин бўлган курс фарқларини қоплаш учун бюджет маблағларининг зарур захирасини назарда тутишлари лозим.

Юзага келиши мумкин бўлган курс фарқларини қоплаш учун ажратиладиган бюджет маблағларининг зарур захираси ҳар бир аниқ шартнома бўйича индивидуал тарзда бюджетдан маблағ олувчилар ва ғазначилик бўлинмалари томонидан, зарур ҳолларда тегишли молия органи иштирокида шарт-

нома тузилган сана, назарда тутилаётган муддат ва валюта курсининг кутилаётган ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда аниқланади.

72. Импорт қилинаётган товар (иш, хизмат)ларнинг таннархини ва қабул қилинган молиявий мажбуриятлар суммаларини қайта ҳисоблаш, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан амалга оширилади ва ғазначилик бўлинмаларида амалга оширилган охириги тўлов санасига ушбу вақтгача ҳосил бўлган умумий касса харажатларининг ўртача курси бўйича ҳисобланиб, ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилади.

73. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан тузган шартномалари мажбурий тартибда уларнинг юридик хизматлари (шартнома асосида жалб қилинган адвокатлар) томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлигига текширилиши шарт.

Агар шартноманинг суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан ошмаса, шартномаларга томонларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар имзоси қўйилади. Агар шартнома суммаси, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан ортиқ бўлса, томонлар юридик хизмат ёки жалб этилган адвокатларнинг ҳулосасини илова қилиши лозим.

74. Шартномалар, шунингдек уларга қўшимча келишувлар аниқ ва равшан сиёҳ ёки шарикли ручка ёки ёзув (ҳисоблаш) машинасида ёзилган ҳолда тўлдирилиши лозим. Ҳеч қандай тузатишлар, ўчириб ёзишлар ёки тўғри-лашлар, ҳаттоки томонлар келишувига кўра ҳам йўл қўйилмайди.

75. Бюджетдан маблағ олувчилар ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномалар ғазначилик бўлинмаларига қуйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда тақдим қилинади:

100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан кам бўлган шартномаларни маҳсулот етказиб берувчини танлаш бўйича ўтказилган энг яхши конкурс таклифларини танлаб олиш ҳужжатлари илова қилинган ҳолда тақдим қилинади. Бунда, конкурс таклифлари танловини ўтказиш, маҳсулот етказиб берувчини танлаш бўйича камида иккита конкурс таклифи бўлганда, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, конкурс таклифларини кўриб чиқиш асосида конкурс таклифлари танлови баённомасини расмийлаштириш асосида амалга оширилади.

100 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдоридан ортиқ бўлганда, қонунчиликка мувофиқ ўтказилган тендер савдолари бўйича ҳужжатларни шартномага илова қилган ҳолда тақдим қилинади.

Мазкур бандда санаб ўтилган талаблар товарларнинг етказиб берилиши, табиий монополиялар субъектлари фаолияти соҳасига тегишли бўлганда, товарлар биржа орқали харид қилинганда, шартнома тузиш вақтида энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ошмаган суммада товарлар сотиб олинганда ва товарларни сотишга алоҳида ҳуқуқи бўлган фақат битта етказиб берувчидан товарлар хариди бўйича тузиладиган шартномаларга, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган алоҳида ҳолларга татбиқ этилмайди.

76. Бюджетдан маблағ олувчилар ва маҳсулот етказиб берувчилар билан бюджет маблағлари ҳисобига тузилган шартномалар фақат уларнинг

ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинганидан сўнг кучга киради.

77. Бюджетдан маблағ олувчилар маҳсулот етказиб берувчилар билан шартномалар тузишда ва уларни ғазначилик бўлинмаларига рўйхатга олиш учун тақдим қилишда қўйидаги талабларга амал қилишлари лозим:

шартномалар маҳсулот етказиб берувчи ва буюртмачи (бюджетдан маблағ олувчилар) томонидан имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан имзоланади ва икки томоннинг муҳрлари билан тасдиқланади;

буюртмачи (бюджетдан маблағ олувчилар)нинг реквизи́тларида, шунингдек буюртмачи (бюджетдан маблағ олувчи)нинг харажатлари тўлови амалга ошириладиган тегишли ғазна ҳисобварағи ҳам кўрсатилади.

Бюджет маблағлари ҳисобидан, ғазначилик бўлинмалари томонидан ғазна ҳисобварақлари орқали тўланадиган, бюджетдан маблағ олувчилар билан маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларда томонларнинг юридик манзиллари ва реквизи́тларини тўлдириш намуналари мазкур Қоидаларга 2 ва 2а-иловаларда келтирилган.

78. Шартномани рўйхатга олиш учун бюджетдан маблағ олувчи ғазначилик бўлинмасига шартноманинг икки асл нусхасини ва битта кўчирма нусхасини тақдим қилади. Шартномаларга мазкур Қоидаларнинг 3-иловасидаги шаклга мувофиқ тўловлар жадвали илова қилиниши ҳамда мазкур Қоидаларнинг 73-банди талабларига риоя қилиш шарт.

79. Автотранспорт воситалари, машина ва ускуналар ва ҳ. к. капитал ҳамда жорий таъмирлаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тузиладиган шартномалар бўйича бюджетдан маблағ олувчилар ғазначилик бўлимларига қўйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

юридик хизмат ёки жалб қилинган адвокатлар томонидан имзоланган шартноманинг икки асл ва бир кўчирма нусхаси, агар шартнома суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдоридан ошса, у ҳолда шартномага юридик хизмат ёки жалб қилинган адвокат хулосаси илова қилинади;

тўловлар жадвали;

конкурс таклифларини танлаб олиш баённомаси (агар шартнома суммаси 100 минг АҚШ доллари миқдоридан ошса, тендер савдолари ўтказилганлиги тўғрисида баённома), қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

80. Бюджетдан маблағ олувчилар шартномаларни ғазначилик бўлинмаларига рўйхатга олиш учун улар тузилгандан сўнг 20 иш куни мобайнида, бироқ жорий молия йилининг 25 декабридан кечикмасдан тақдим этишлари лозим.

Бюджетдан маблағ олувчи томонидан шартномалар тузилиб, 20 иш куни ўтгандан сўнг тақдим қилинган ҳолларда, шартнома бюджетдан маблағ олувчига ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинмасдан қайтарилади.

81. Ғазначилик бўлинмалари шартномаларни масъул ходим томонидан шартноманинг биринчи ва иккинчи асл нусхалари ва кўчирма нусхасининг барча варақларига «Рўйхатга олинган» штампини қўйиш ва рўйхатга олин-

ган рақами ва санаси кўрсатилиб, уларни ғазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси имзоси ва ғазначилик бўлинмасининг муҳри билан тасдиқлаш орқали рўйхатга олади.

82. Рўйхатга олингандан сўнг, шартноманинг икки асл нусхаси бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади, рўйхатга олинган шартноманинг кўчирма нусхаси ғазначилик бўлинмасида ҳисобга олиш ва сақлаш учун қолдирилади.

83. Шартномалар ҳисоби Ғазначилик дастурий мажмуида электрон тарзда бюджетдан маблағ олувчининг номи ва реквизитлари, шунингдек шартнома суммаси, унинг рақами ва тузилган санаси, ғазначилик бўлинмаси томонидан рўйхатга олинган рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда Бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан тузган шартномаларини рўйхатга олиш китобида мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича амалга оширилади.

§ 2. III гуруҳ харажатлари бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш

84. Капитал қурилиш харажатлари бўйича шартномаларнинг икки асл ва бир кўчирма нусхаларидан ташқари, Буюртмачилар томонидан ғазначилик бўлинмасига қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

конкурс комиссиясининг қурилиш ишлари билан боғлиқ иш ва хизматларнинг пудратчи қурилиш (лойиҳачи) ташкилотини ва бошқа бажарувчиларини танлаб олиш бўйича йиғилиш баённомаси нусхаси, қачонки танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 50 минг АҚШ доллари-дан юқори суммани ташкил этган ҳолларда;

конкурс комиссиясининг қурилиш ишлари билан боғлиқ иш ва хизматларнинг пудратчи қурилиш (лойиҳачи) ташкилотини ва бошқа бажарувчиларини танлаб олиш бўйича йиғилиш баённомаси нусхаси, қачонки танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 50 минг АҚШ долларига-ча суммани ташкил этган ҳолларда улар харид қилинадиган товар, ишлар ва хизматларнинг тавсифи, миқдори, бажариш муддатлари ва товарни етказиб бериш пункти кўрсатилган ҳолдаги таклифларни талабгорларга юбориш ёки маҳсулот етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан эълон қилинган баҳо ва тавсифларни таққослаш йўли билан эркин савдода амалга оширилиши мумкин;

буюртмачининг пудрат қурилиш (лойиҳа) ишлари учун ўтказилган танлов савдолари натижалари бўйича ҳисоботининг Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш билан келишилган нусхаси;

пудратчи қурилиш ташкилотининг қурилиш хавфини суғурталаш бўйича шартномасининг буюртмачи раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган нусхаси;

Давлатқурилишназорат инспекциясининг қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатномасининг буюртмачи раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган нусхаси;

белгиланган тартибда тасдиқланган қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) ва қурилишларнинг титулли рўйхатлари нусхалари, шунингдек белгиланган тартибда тасдиқланган ва конкурс савдоларининг ўтказилиши бўйича қурилишларнинг аниқланган манзилли ва титулли рўйхатлари нусхалари;

давлат экология экспертизаси хулосаси нусхаси (зарур бўлганда).

85. Капитал қўйилмаларга харажатлар аралаш манбалар ҳисобидан, мисол учун инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар доирасида амалга ошириладиган ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ва Халқаро молия институтлари (Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки ва бошқалар)нинг кредитлари, қарзлари ва грантлари ҳисобидан молиялаштириладиган ҳолларда, шартномалар, иш бажарилганлигини тасдиқловчи бирламчи ва бошқа ҳужжатлар халқаро шартномалар талаблари ва шаклларига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, капитал қурилиш буюртмачилари ғазначилик бўлинмаларига рўйхатга олиш учун шартномаларнинг иккита асл ва бир кўчирма нусхасини тақдим қилади, ғазначилик бўлинмалари уларни ўрнатилган тартибда текширгандан сўнг, уларни ғазначилик бўлинмасининг (биринчи ва иккинчи) имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган тегишли шахслари (кейинги ўринларда — мансабдор шахслар) имзоси қўйилган ва ғазначилик бўлинмасининг муҳри билан тасдиқланган шартномалар нусхаларининг барча варақларига «Рўйхатга олинган» штампини қўйиш йўли билан рўйхатга олади.

Ушбу бандда кўрсатилган шартномалар бўйича харажатлар тўловларини амалга ошириш учун асос, шартномаларда кўрсатилган ҳужжатлар, қоидага кўра, ҳисобварақ-фактуралар, оралиқ тўловлар сертификатлари, инвойслар, молиявий ҳисоботлар ва шартномаларда назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ҳисобланади.

86. Тендер савдолари ёки конкурс таклифлари танловини ўтказмасдан лойиҳачи ёки пудратчи ташкилотни танлашда буюртмачи томонидан ғазначилик бўлинмасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорининг нусхаси тақдим этилади.

87. Ғазначилик бўлинмаси бюджетдан маблағ олувчи томонидан шартнома тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни давомида шартномада кўрсатилган суммани бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметасида назарда тутилган тегишли ажратилган бюджет маблағларнинг мавжудлигига текширади.

88. Ғазначилик бўлинмаларининг ходимлари томонидан қабул қилинган шартномалар қуйидагиларнинг мавжудлигига текширилади:

қонунчиликка мувофиқ юридик хизмат ёки жалб қилинган адвокатларнинг имзолари, юридик хулосалари;

томонларнинг зарур банк реквизитлари, муҳри ва имзолари;

товар (иш, хизмат)ларнинг етказиб бериш жадвали, қурилиш пудрат шартномалари бўйича қурилиш объекти жадвали.

89. Капитал қўйилмалар харажатлари бўйича тузиладиган шартномаларда

тўлов шартлари ва муддатлари ва уларга илова қилинадиган тўлов жадваллари қонунчиликка мувофиқ бўлиши лозим.

Бунда, объектлар қурилишининг «фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш» пудрат шартномаларида капитал қурилиш буюртмачисининг банк реквизитлари ўрнига Ғазначиликнинг ягона маълумотлар базасида ушбу буюртмачи учун очилган тегишли шахсий ҳисобварақ реквизитлари кўрсатилади.

90. Агар тузилган шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммаси бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида назарда тутилган ажратилган бюджет маблағлари суммасидан ошса, ушбу шартнома бюджетдан маблағ олувчига ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинмасдан қайтарилади.

91. Объектлар қурилишини «фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш»да ва ундан фойдаланишнинг кафолатли муддати тугаганда ғазначилик бўлинмаси томонидан кейинги молия йилида Ғазначилик дастурий мажмуида тасдиқланган манзилли рўйхатда пудратчи қурилиш ташкилотига тўланиши назарда тутилган маблағлар доирасида жорий молия йилига юридик мажбуриятлар ҳисобга олинади. Шартноманинг қолган суммаси уларни тегишли объект бўйича жорий йилнинг манзилли ва титул рўйхатида акс эттирилиши шарти билан кейинги молия йили мажбуриятларида ҳисобга олинади.

§ 3. IV гуруҳ харажатлари бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш

92. Ғазначилик бўлинмаси ходими IV гуруҳ харажатлари бўйича тегишли барча ҳужжатлар илова қилинган шартномаларни қабул қилишда, тўлов жадвалида ҳужжат қабул қилинган санани кўяди, шартнома ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олингандан сўнг, бюджетдан маблағ олувчилар тўлов жадвалида рўйхатга олинган шартнома санасини кўяди. Бундан ташқари, шартномалар тақдим қилинган ҳужжатлар, ажратилган бюджет маблағлари ва мазкур Қоидалар талабларига мувофиқлигига текширилади. Қарама-қаршиликлар аниқланганда, шартнома рўйхатга олинмасдан, уни қайтариш сабаблари кўрсатилган ҳолда бюджетдан маблағ олувчиларга ёзма билдиришнома билан қайтарилади.

93. Қайтарилган шартномалар тегишли ғазначилик бўлимлари масъул ходимлари томонидан шартнома рақами ва санаси, бюджетдан маблағ олувчи ва махсулот етказиб берувчи номи ва манзиллари, масъул ходим томонидан шартнома қабул қилинган сана, қайтариш сабаби, шунингдек қайтариш санаси кўрсатилган ҳолда ушбу Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ, Қайтарилган шартномаларни рўйхатга олиш китобида рўйхатга олинади.

94. Ғазначилик бўлинмасининг ёзма билдиришномасида кўрсатилган барча камчиликлар тўғриланган ҳолларда, бюджетдан маблағ олувчига шартнома такроран қайтарилишига йўл қўйилмайди.

95. Суд қарори бўйича тўловлар, йиғимлар, бадаллар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун бюджетдан маблағ олувчилар ғазначилик бўлинмаларига юридик мажбурият мавжудлигини тасдиқловчи ҳуж-

жатнинг асл ва кўчирма нусхасини, шунингдек ушбу юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш учун сўровнома, тўлов жадвалини иловалари билан рўйхатга олиш учун тақдим этади (мазкур Қоидаларга 6-илова).

96. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мукаммал таъмирлаш шартномаларига, шунингдек бино ва иншоотларни мукаммал таъмирлашнинг манзилли рўйхати ҳам илова қилинади.

97. Мукаммал таъмирлаш шартномаларига суммаси 50 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ошганда, шартномаларга дефект акти асосида тузилган мукаммал таъмирлаш бўйича ишлар рўйхати, шунингдек лойиҳа-смета ҳужжатлари ва унинг экспертизадан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари ҳам илова қилинади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

98. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан IV гуруҳ харажатлари моддаларида назарда тутилган мақсадларга нақд пул маблағларининг тўлови фақат қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади (мисол учун хизмат сафари харажатлари, етим болаларни сақлаш харажатлари ва бошқалар).

99. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда «Ўқитиш харажатлари», «Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари», «Бошқа харажатлар» ва харажатлар сметасининг бошқа харажат моддаларидан, қонун ҳужжатларига мувофиқ нақд пул маблағлари орқали амалга ошириладиган қисмида, нақд пул олиш бўйича юридик мажбуриятлар бюджетдан маблағ олувчиларнинг вазначилик бўлинмаларига нақд пул олиш учун тақдим қилган сўровномалари асосида ва бюджетдан маблағ олувчининг у ёки бу тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ нусхалари асосида ҳисобга олинади.

100. Буйруқда мажбурий тартибда тадбир тури, муддати ва ўтказилиш жойи, иштирокчилар сони ва харажатларнинг умумий суммаси нақд пул маблағлари кўринишида тўланиши лозим бўлган сумма алоҳида кўрсатилиши лозим. Буйруққа ўтказиладиган тадбирнинг мажбурий тартибда бюджет ташкилотининг молия-режалаштириш хизмати бошлиғи (молия-режалаштириш хизмати мавжуд бўлмаганда ташкилотнинг бош ҳисобчиси) имзоси қўйилган ва унинг раҳбари тасдиқлаган харажатлар сметаси илова қилинади.

101. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан мазкур Қоидаларнинг 99-бандида белгиланган харажатларни нақд пул маблағлари орқали амалга ошириш имкони тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи вазначилик бўлинмалари раҳбарларига берилади. Бунда, ушбу харажатларни нақд пул маблағлари билан амалга ошириш мумкинлиги тўғрисидаги қарор фақат алоҳида ҳолларда, яъни харажатларни нақдсиз шаклда тўлаш имкони бўлмаган ҳолларда қабул қилинади.

102. Ҳакамлик, спорт ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларнинг харажатлар сметасида назарда тутилган хизматлар учун тўловлар, ҳакамлар ва бошқа

жисмоний шахсларнинг банк ҳисоб рақамларига тегишли пул маблағларини ўтказиш йўли билан, фақат нақдсиз шаклда амалга оширилиши лозим.

103. Агар айрим харажатларни нақдсиз шаклда амалга ошириш имкони йўқлиги сабабли нақд пул маблағларига эҳтиёж туғилса, у ҳолда бюджетдан маблағ олувчилар томонидан нақд пул маблағлари олиш учун сўровнома билан бирга ғазначилик бўлинмаларига сўровномада кўрсатилган харажатларни нақдсиз шаклда амалга ошириш имкони йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома тақдим қилинади. Маълумотнома бюджетдан маблағ олувчининг раҳбари ва молия-режалаштириш хизмати бошлиғи (молия-режалаштириш хизмати мавжуд бўлмаганда ташкилотнинг бош ҳисобчиси) имзоси билан тасдиқланади.

VII. Қабул қилинган молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва харажатлар тўлови

§ 1. Молиявий мажбуриятларни қабул қилиш ва уларни тўлашнинг умумий қоидалари

104. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг иккинчи томон олдидаги молиявий мажбуриятлари уларга товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатларни ҳисоблаш ведомостлари асосида қабул қилинади.

105. Молиявий мажбуриятлар, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар, шунингдек суд қарорлари бўйича тўловлар, йиғимлар, бадаллар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан ташқари, олдин тузилган шартномалар ва юридик мажбуриятлар қабул қилинганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар доирасида қабул қилинади.

106. I ва II гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар тўлови учун нақд пул маблағларини олишга сўровнома, шунингдек ушбу гуруҳлар харажатлари бўйича тўлов топшириқномалари асосида рўйхатга олинади.

107. Ғазначилик бўлинмалари ғазна ҳисобварақларидан тўлов топшириқномалар асосида ташкилот ва муассасаларни сақлаш, марказлаштирилган тадбирларни ўтказиш, капитал қўйилмалар ва бошқа мақсадлар учун тўловларнинг тасдиқланган харажатлар сметаси ва капитал қўйилмалар лимитлари доирасида амалга оширади.

108. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарорлари тўплами, 1999 й. № 9, 51-модда) мувофиқ, бюджетдан маблағ олувчиларни Давлат бюджетидан харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича молиялаштириш тартиби белгиланган:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);

II. Иш ҳақига қўшимчалар;

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган манзилли рўйхатларга мувофик);

IV. Бошқа харажатлар (озик-овқат, дори-дармон, коммунал хизматлар ва бошқа харажатлар).

109. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг I ва II гуруҳ бўйича харажатлар тўлови биринчи навбатда амалга оширилади. Бунда, I гуруҳ харажатларини II гуруҳ харажатлари тўловисиз амалга ошириш тақиқланади.

110. Тегишли бюджет бўйича I ва II гуруҳ харажатлари тўлови учун газна ҳисобварақларида зарур маблағларни қоплайдиган қолдиқлар мавжуд бўлганда, I ва II гуруҳ харажатларини тўлиқ амалга оширган ташкилотлар бўйича IV гуруҳ харажатларини амалга оширишга рухсат этилади.

111. IV гуруҳ «Бошқа харажатлар» бўйича маблағларнинг сарфланиши ўрнатилган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

овқатлантириш;

дори-дармонлар;

коммунал хизматлар;

бошқа харажатлар.

112. ҲФХда овқатлантириш харажатлари бўйича тўланмаган маблағлардан ошиқча маблағлар мавжуд бўлган ҳолларда, ушбу ошган маблағлар доирасида дори-дармонлар (тўртинчи гуруҳнинг бошқа харажат турлари бўйича ҳам ушбу тартиб) бўйича харажатларни амалга оширишга рухсат этилади.

113. Бюджет ташкилотларининг ишчиларига ижтимоий тўловлар бўйича харажатлари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича харажатлар билан бир вақтда амалга оширилади.

114. Бюджет ташкилотларининг шахсий ҳисобварақларида чорак (йил) охирида қолган, иқтисод қилинган бюджет маблағлари (капитал қўйилмаларнинг тўлови учун назарда тутилган ажратилган маблағлар бундан мустасно) Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда сарфланади.

115. Иқтисод қилинган маблағларнинг ўтказилиши бюджет ташкилотлари томонидан юридик ва молиявий мажбуриятлар билан банд қилинмаган ажратилган бюджет маблағлари доирасида ҳисобот чорагининг кейинги оғи давомида амалга оширилади. Бюджет маблағларининг иқтисоди тегишли ўтган давр учун аниқланган бюджет маблағлари лимитлари ва қабул қилинган юридик мажбуриятлар ўртасидаги фарқ доирасида аниқланади. Қабул қилинган молиявий мажбуриятлар юридик мажбуриятлардан ортиқ бўлган ҳолларда, бюджет маблағларининг иқтисоди тегишли ўтган давр учун аниқланган бюджет маблағлари лимитлари ва қабул қилинган молиявий мажбуриятлар ўртасидаги фарқ доирасида аниқланади.

116. Агар шартномага унинг амал қилиш муддатини узайтириш бўйича қўшимча келишув тузилмаган бўлса, шартноманинг муддати тугаши билан маҳсулот етказиб берувчи (пудратчи) томонидан товар (иш, хизмат)лар

етказиб бериш бўйича мажбуриятнинг бажарилиши тугатилади. Бунда, амал қилиш муддати жорий йилнинг 31 декабригача бўлган шартномалар муддатини узайтириш бўйича қўшимча келишув тузишга йўл қўйилмайди (капитал қўйилмалар бўйича шартномалардан ташқари). Амал қилиш муддати тугаган шартномалар бўйича маҳсулот етказиб берувчиларнинг етказиб берган товар (иш, хизмат)лари учун кредиторлик қарзлари ўрнатилган тартибда ҳисобварақ-фактуралар ва ўзаро қарздорликнинг солиштирма далолатномаси асосида тўлаб берилади. Маҳсулот етказиб берувчилардаги мавжуд дебиторлик қарзлари буюртмачига — бюджетдан маблағ олувчининг тегишли ғазна ҳисобварағига қайтарилади.

Агар маҳсулот етказиб берувчи томонидан ўтган молия йилининг дебиторлик қарзлари кейинги йилда (кейинги йилларда) қайтарилса, у ҳолда ғазна ҳисобварағига тушган дебиторлик қарзлари суммаси тегишли бюджет даромадларига тикланади.

117. Амалдаги шартномалар бўйича молиявий мажбуриятлар миқдори рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар суммасига нисбатан кам қабул қилиниши натижасида бюджет маблағларининг иқтисоди юзага келганда, бюджет ташкилотлари тегишли ҳисобот даври учун шартномалар суммасини қабул қилинган молиявий мажбуриятлар суммасига мувофиқлаштириш учун, уларни камайтириш бўйича қўшимча келишув тузишлари лозим.

118. Амал қилиш муддати тугаган шартномалар бўйича молиявий мажбуриятлар миқдори рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар суммасига нисбатан кам қабул қилиниши натижасида бюджет маблағларининг иқтисоди юзага келган ҳолларда, юридик мажбуриятлар суммаси қабул қилинган молиявий мажбуриятлар суммасига буюртмачи ҳамда маҳсулот етказиб берувчи (пудратчи) ўртасидаги солиштирма далолатнома асосида мувофиқлаштирилади.

119. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан олдин тузилган шартномаларга қўшимча келишувлар тузишда молия йили якунигача шартномалар суммаси — юридик мажбуриятлар (мисол учун, куз-қиш мавсумининг келиши билан боғлиқ ҳолда электр энергияси, табиий газ ва иссиқлик энергияси учун харажатларнинг ўсиши ва бошқалар) камайтирилаётган харажатлар моддалари бўйича эҳтиёж бўлиши мумкинлиги эътиборга олиниши лозим.

120. Ҳисобот йилининг охирида шахсий ғазна ҳисобварақларида қолган иқтисод қилинган бюджет маблағларининг Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши бир хил тартибда қўшимча давр мобайнида амалга оширилади.

121. Ғазна ижросига ўтган бюджетдан маблағ олувчилар бўйича ўтган йил учун тўлов топшириқномалари молия йилига қўшимча даврнинг тугашигача 5 иш кунидан кечикмаган муддатда ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилиши лозим.

122. 01 9 10 моддасида назарда тутилган режали ажратилган бюджет маблағлари Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривож-

лантириш жамғармасига тақдим қилинган тўлов ҳужжатлари асосида шартномалар тузилмасдан белгиланган муддатда ўтказилади.

123. Шартнома тузилмасдан қуйидаги ўтказмалар:

бюджет ташкилотларининг иқтисод қилинган маблағлари уларнинг Ривожлантириш жамғармаларига, шунингдек тиббиёт муассасалари томонидан — сметада назарда тутилган мақсадли ажратилган маблағлар Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаларига;

капитал қўйилмалар бўйича буюртмачиларнинг бошқарув аппарати хизматини сақлаш учун маблағлар ушбу мақсадлар учун назарда тутилган, ўрнатилган тартибда манзилли ва титул рўйхатларда келишилган ва ҳар бир объект бўйича шахсий ҳисобварақлардаги суммалар доирасида амалга оширилиши мумкин.

124. Ҳазначилик бўлинмалари томонидан ссудалар, дотациялар ва субвенцияларнинг ўтказилиши тайинлаш сертификатлари, уларга илова қилинган ҳисоб-китоблар, шунингдек тегишли молия органлари томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

125. Конкурс савдолари ўтказилгунга қадар бюджетдан маблағ олувчиларнинг ер участкасини ажратиш, қурилиш объекти ҳудудида яшовчи шахсларни кўчириш, дастлабки — рухсат берувчи ҳужжатларни тайёрлаш, лойиҳа олди ишларини ташкил қилиш, лойиҳа ва конкурс ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш, экспертиза қилиш ва тасдиқлаш, қурилиш объектларини давлат архитектура қурилиш назорати инспекциясида рўйхатга қўйиш, тасдиқланган қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиҳа-тадқиқот ишлари манзилли рўйхати)да назарда тутилган буюртмачини сақлаш каби харажатлар тўланиши мумкин.

126. Ҳазна ҳисобварақларидан маблағларнинг сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

127. Суд қарорлари асосида Ҳазна ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқарилиши қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

§ 2. I гуруҳ ва унга тенглаштирилган харажатлар бўйича молиявий мажбуриятларни қабул қилиш ва уларнинг тўлови

128. Нақд пул маблағлари беришда чекларнинг ишлатилиш тартиби ва шартлари қонунчилик орқали тартибга солинади.

129. Нақд пул олиш учун чек дафтарчаларини Ҳазначилик бўлинмаси хизмат кўрсатувчи банк филиалидан уларни кейинчалик бюджетдан маблағ олувчиларга тарқатиш учун олади. Бунда, бюджетдан маблағ олувчилар Ҳазначилик бўлинмаларига бюджетдан маблағ олувчиларнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси имзоси қўйилган ишончнома ва сўровномаларни тақдим қилади. Бюджетдан маблағ олувчига берилган чек дафтарининг рақамлари унинг Ҳазначилик бўлинмаларидаги имзо намуналари карточкаларига ёзилади.

130. Молия йили мобайнида ўрнатилган тартибда ишлатилган чек даф-

тарчалари бюджетдан маблағ олувчилар томонидан молия йили якунлангунга қадар фазначилик бўлинмаларига қайтарилиши лозим.

Бунда, бузилган (бекор қилинган) чеклар мавжуд бўлган ҳолатда, бюджетдан маблағ олувчилар мажбурий тартибда уларни ишлатилган чек дафтарчалари билан бирга, улар мавжуд бўлмаганда (мисол учун, йўқотилган ҳолатда), уларнинг йўқлиги бўйича кўрилган тадбирлар ва сабаблари тўғрисида фазначилик бўлинмаларини ёзма хабардор қиладилар.

Фазначилик бўлинмасининг масъул ходими ишлатилган чек дафтарчаларини олгандан сўнг, улардаги маълумотларни Фазначилик дастурий мажмуидаги олдин тўланган суммалар ва чеклар сони тўғрисидаги маълумотлар билан солиштиради.

Ишлатилган чеклар бўйича маълумотларда фарқлар мавжуд бўлган ҳолларда, фазначилик бўлинмаси томонидан бунинг сабабларини аниқлаштириш учун рўйхат ва унга етишмаётган чекларнинг чек дафтарчалари рақами ва суммаларини кўрсатган ҳолда илова тузилади ва бюджетдан маблағ олувчига тақдим қилинади.

131. Фазна ҳисобварақларидан нақд пул маблағлари олиш учун чек — бу фазначилик бўлинмасининг маълум нақд пул суммасини бюджетдан маблағ олувчига беришга ёзма топшириғидир. Чеклар бюджетдан маблағ олувчилар томонидан сиёҳ ёки шарикли ручка билан қўлда ёзилади. Чекларга ўчириб ёзиш, тузатиш, тўғрилашларга йўл қўйилмайди. Факсимил ишлатилишига йўл қўйилмайди. Чеклар ўн кун давомида (уларни ёзиб берилган кундан ташқари) ҳақиқий ҳисобланади. Чек рақами имзо ва муҳр изи намунаси карточкада рўйхатга олинган чек дафтарчаси рақами ва серияларига мувофиқ бўлиши лозим. Пул чеклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилади.

132. Банклар томонидан чеклар бўйича нақд пул маблағларини бериш уларда имзо намунаси карточкасида кўрсатилган имзо қўйиш ҳуқуқига эга фазначилик бўлинмасининг мансабдор шахслари имзоси ва фазначилик бўлинмасининг муҳри билан тасдиқланганлиги мавжуд бўлганда амалга оширилади. Фазна ҳисобварақларидан маблағлар бериш учун чекларга фазначилик бўлинмаси раҳбари ва масъул ходимининг имзоси ва фазначилик бўлинмасининг муҳри қўйилади. Бюджетдан маблағ олувчиларга бериладиган чекларда фақат номи кўрсатилган бўлиши мумкин. Номи кўрсатилган чеклар бўйича нақд пуллар фақат чекда кўрсатилган шахсга берилади. Номи кўрсатилган чеклар бўйича бюджетдан маблағ олувчининг бош ҳисобчисига нақд пул берилишига йўл қўйилмайди. Фазначилик бўлинмаси пул чекларининг орқа томонидаги суммалар мақсадини текшириши лозим. Пул чекларининг орқа томонидаги тўлов мақсадлари тўғрисидаги маълумот фазначилик бўлинмасининг имзоси билан тасдиқланади.

133. Бюджетдан маблағ олувчи иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек хизмат сафари харажатларини тўлаш учун нақд пул маблағлари олишга фазначилик бўлинмасига мазкур Қоидаларнинг 7-иловасидаги шаклга мувофиқ, бюджетдан маблағ олувчининг раҳбари ва бош ҳисобчиси имзоси билан, икки нусхада иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўлов-

лар, шунингдек хизмат сафари харажатларини тўлаш учун нақд пул маблағлари олишга сўровнома ва унга тўлдирилган чек илова қилинган ҳолда тақдим қилади.

134. Бюджетдан маблағ олувчилар нақд пул олиш учун моддий жавобгар шахс (кассир)га берилган ишончномани фазначилик бўлинмаларига тақдим қиладилар (мазкур Қоидаларга 8-илова).

135. Нақд пул берилганидан сўнг реестрнинг иккинчи нусхаси (касса чиқим журнали) чек ижро этилганлиги тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда банк кўчирмаси билан бирга тегишли фазначилик бўлинмасига қайтарилди. Фазначилик бўлинмаси банк кўчирмаси, реестр ва чек милкига асосан тегишли шахсий ҳисобварақда белги қўяди ва бюджет ташкилотига унинг шахсий ҳисобварақидан кўчирма беради, шу билан бирга бюджет ташкилоти бухгалтериясида кейинги ҳисобларни юритиш учун иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, хизмат сафари харажатларини тўлаш учун берилган сўровноманинг иккинчи нусхасига «ТЎЛАНДИ» белгисини қўйиб бюджетдан маблағ олувчига қайтаради.

136. Бюджетдан маблағ олувчи пул маблағларини харажатлар сметасида назарда тутилган суммадан ошмаган, умумий суммага ёзилган бир нечта чек билан олиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун улар томонидан хизмат кўрсатувчи фазначилик бўлинмасига тегишли суммага сўровномалар тақдим этилади.

Бюджетдан маблағ олувчилар нақд пул маблағларини олиш учун чекларни уларнинг сўровномаларида кўрсатилган қатъий суммаларга ва умумий суммаси харажатлар сметасининг тегишли лимитидан ошмаган суммаларга ёзиб берадилар.

137. Бюджетдан маблағ олувчининг ишончли шахси томонидан чек маркаси йўқотилган ҳолларда, чек маркаси йўқотилганлиги аниқланган кун тегишли фазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчи раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган билдиришнома-хат тақдим этилади. Фазначилик бўлинмаси ушбу билдиришнома-хат асосида тегишли банкка тўланмаган чекни чақириб олиш тўғрисида хат билан мурожаат қилади. Чеклар реестри чақириб олинган чек суммасини айирган ҳолда ижро қилинади.

138. Чекларнинг йўқотилиши ва ўғирланиши, шунингдек чекни ҳамда назорат маркаларини олиш учун ваколатли шахслар томонидан ўз мансабни суиистеъмол қилиш натижасида етказилган зарарлар бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ олувчиларнинг мансабдор ва моддий жавобгар шахсларига юкланади.

139. Олинган чек дафтарчалари бюджетдан маблағ олувчиларда сақланади ва чекларни қонунчиликда белгиланган тартибда сақлаш ва ишлатиш бўйича жавобгарлик бюджетдан маблағ олувчиларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчиларига юкланади.

140. Фазначилик бўлинмаларининг молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш бўлими (гуруҳи) масъул ходимлари тўлов учун сўровнома ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишда ушбу ҳужжатларнинг иккинчи нусхасига ҳужжатларни қабул қилганлиги тўғрисида

ўз имзоларини қўяди ва улар қабул қилинган санани кўрсатган ҳолда бюджетдан маблағ олувчининг тегишли ходимига қайтаради.

141. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларидан операциялар амалга оширилиши бўйича ғазначилик бўлинмаларининг молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш бўлими (гурухи) масъул ходимлари бюджетдан маблағ олувчиларга уларнинг шахсий ҳисобварақларидан кўчирмаларни берадилар ҳамда уларни мазкур Қоидаларнинг 9-иловасидаги шакл бўйича Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақлардан берилган кўчирмаларни рўйхатга олиш журналида рўйхатга олади. Бюджетдан маблағ олувчининг масъул ходими кўчирмаларни олишда журналга уларни олганлиги тўғрисида белги қўяди.

142. Ғазначилик бўлинмаларининг молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш бўлими (гурухи) масъул ходимлари Берилган ва ишлатилган чекларни ҳисобга олиш журналида берилган ва ишлатилган чекларнинг рўйхатини юритади (мазкур Қоидаларга 10-илова).

§ 3. III гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятларни қабул қилиш ва уларнинг тўлови

143. III гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятларнинг қабул қилиниши пудратчиларнинг иш бажарилганлигини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактуралар асосида амалга оширилади.

144. Ғазначилик бўлинмалари томонидан пул маблағларини ўтказиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

тўлов топшириқномасида бюджет таснифининг тегишли кодлари, шартнома, ҳисобварақ-фактура, аванс миқдори ва бошқа керакли реквизитлар тўғри кўрсатилганда;

қурилишларнинг тасдиқланган манзилли ва титул рўйхатлари асосида ва тегишли объектлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларидаги мавжуд ажратилган бюджет маблағлари суммалари доирасида бўлганда;

агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган шартномага асосан, олдин ўтказилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда, тўланиши лозим бўлган пул маблағларидан ошмаганда;

буюртмачининг пудратчи олдидаги кредиторлик қарзининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура ва ҳужжатлар, ёки буюртмачининг пудратчига аванс тўловларини ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда;

тўлов топшириқномасида кўрсатилган пудратчининг номи ва реквизитлари шартномада кўрсатилган пудратчининг номи ва реквизитларига мувофиқ бўлганда.

145. Бажарилган ишлар учун харажатлар тўлови, жумладан аванс тўловларининг тўланиши ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва буюртмачилар томонидан ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинган тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади, бунда тўлов топшириқномасининг

«Тўловчининг номи» устунида ғазначилик бўлинмасининг номи, «Тўловчининг ҳисоб рақами» устунида — ғазна ҳисобварағи, «Тўлов мақсади» устунида — бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварақ рақами, бюджет таснифининг тегишли коди, тўловни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатлар, шунингдек тўлов мақсади кўрсатилади.

Тўлов топшириқномалари қуйидагича тақдим этилади:

а) беш нусхада, агар ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилса. Буюртмачининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси, буюртмачининг ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан касса харажатларини амалга ошириш учун сўровномаси бўлиб хизмат қилади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси ғазначилик бўлинмасининг раҳбари ва масъул шахси томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ва банк учун ғазна ҳисобварағидан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади. Банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси маҳсулот етказиб берувчига берилади. Банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан тўлов топшириқномасининг тўртинчи нусхаси ғазна ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади ва ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағида касса харажатларини акс эттириш учун асос бўлади. Ғазначилик бўлинмасининг «ТЎЛАНГАН» белгиси билан ва тўланган сана қўйилган тўлов топшириқномасининг бешинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда буюртмачининг ваколатли ходимига берилади.

б) тўрт нусхада, агар ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига ҳар хил банк филиалларида хизмат кўрсатилса. Буюртмачининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси, буюртмачининг ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан касса харажатларини амалга ошириш учун сўровномаси бўлиб хизмат қилади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси ғазначилик бўлинмасининг раҳбари ва масъул шахси томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ва банк учун ғазна ҳисобварағидан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади. Банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси ғазна ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади ва ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағида касса харажатларини акс эттириш учун асос бўлади. Ғазначилик бўлинмасининг «ТЎЛАНГАН» белгиси билан ва тўланган сана қўйилган тўлов топшириқномасининг тўртинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда буюртмачининг ваколатли ходимига берилади.

в) уч нусхада агар ғазначилик бўлинмаси ҳамда унга хизмат кўрсатувчи банк орасида «Банк-мижоз» дастурий мажмуи йўлга қўйилган бўлса. Буюртмачининг тегишли мансабдор шахслар томонидан имзолар қўйилган

ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси, буюртмачининг ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан касса харажатларини амалга ошириш учун сўровномаси бўлиб хизмат қилади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси ғазначилик бўлинмасининг раҳбари ва масъул шахси томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ва ғазна ҳисобварағидан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади. Ғазначилик бўлинмасининг «ТЎЛАНГАН» белгиси билан ва тўланган сана қўйилган тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда буюртмачининг ваколатли ходимига берилади.

146. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ бўлганда ғазначилик бўлинмасининг ваколатли ходими «ТЕКШИРИЛДИ» белгисини, тўлов топшириқномасини биринчи нусхасининг орқа томонига тўлов топшириқномасининг қабул қилинган сана ва ўзининг имзосини қўяди. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхасининг ғазначилик бўлинмаси бошлиғи ва масъул шахсининг имзолари ва ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан расмийлаштириш текширувлар тугаганидан сўнг амалга оширилади.

Ғазначилик бўлинмасига ғазначилик бўлинмасидаги мавжуд имзо ва муҳр изи намуналарини бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган, ғазна ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқариш учун банкка тақдим қилинадиган ҳужжатлардагилар билан солиштириш мажбурияти юклатилади.

147. Тўлов топшириқномалари бўйича ғазна ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш учун ғазначилик бўлинмаси банкка тўлов топшириқномаларининг иккинчи ва учинчи (ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолда, тўртинчи) нусхаларини тақдим қилади.

148. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов ўтказилгандан сўнг, тўлов топшириқномасининг иккинчи (ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолда, учинчи) нусхаси банкда қолади, учинчи (ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолда, тўртинчи) нусхаси банкнинг штамп ва масъул ходимининг имзоси ҳамда ғазна ҳисобварағидан кўчирма билан ғазначилик бўлинмасига берилади.

149. Ғазначилик бўлинмасининг тегишли ходими бюджетдан маблағ олувчиларнинг тегишли шахсий ҳисобварақларида белги қўйгандан сўнг, бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма ва тўлов топшириқномасининг тўртинчи (ғазначилик бўлинмаси ва пудратчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолда, бешинчи) нусхасини ғазначилик бўлинмаси масъул ходимининг белгиси билан бюджетдан маблағ олувчига (буюртмачига) қайтарилади.

150. Ҳисобварақ-фактуралар ёки буюртмачининг пудратчи олдидаги қарзининг мавжудлигини ва ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа

ҳужжатлар фазначилик бўлинмаларига қўшимча давр тугашига 5 иш куни колгунига қадар тақдим қилиниши лозим.

151. Бошқарув аппаратини сақлаш учун буюртмачининг банк ҳисобварағига маблағлар ўтказилиши шартномалар тузилмасдан манзилли ва титул рўйхатларда ва ҳар бир объект бўйича шахсий ҳисобварақларда ушбу мақсадлар учун назарда тутилган суммалар доирасида, ўрнатилган тартибда тақдим қилинган тўлов топшириқномалари асосида, амалга оширилади. Бунда, буюртмачининг бошқарув аппаратини сақлаш учун ўтказиладиган сумма молия органида ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган харажатлар сметасида уни сақлаш учун назарда тутилган суммадан ошмаслиги лозим.

§ 4. IV гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятларни қабул қилиш ва уларнинг тўлови

152. IV гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисобварақ-фактуралари ёки товарлар етказиб берилганлигини (ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ёки бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчига бюджет (бюджетдан ташқари) маблағларини (шу жумладан, аванс тўловларини) ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида қабул қилинади.

153. Фазначилик бўлинмаси бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномалари асосида фазна ҳисобварақларидан IV гуруҳ харажатлари бўйича харажатларни бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларининг тегишли моддаларида назарда тутилган ажратилган бюджет маблағлари лимитлари доирасида амалга оширади.

154. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўлови тўлов топшириқномалари билан қуйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

бюджетдан маблағ олувчиларнинг IV гуруҳ харажатларининг тегишли моддалари бўйича бюджет маблағлари қолдиқлари суммалари доирасида;

агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма фазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммасидан ошмаса;

ҳисобварақ-фактура ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлганда ва бюджетдан маблағ олувчининг маҳсулот етказиб берувчи олдидаги қарздорлигини, шунингдек бюджетдан маблағ олувчини маҳсулот етказиб берувчига бюджет (бюджетдан ташқари) маблағларини (шу жумладан, аванс тўловларини) ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида;

тўлов топшириқномасида кўрсатилган маҳсулот етказиб берувчининг, шунингдек бюджетдан маблағ олувчиларнинг номи ва реквизитлари шартнома ва ҳисобварақ-фактурада ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб беришни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларда маҳсулот етказиб берувчининг, шунингдек

бюджетдан маблағ олувчиларнинг номи ва реквизитларига мувофиқ бўлганида.

155. Етказиб берилган товар (иш, хизмат)лар учун харажатлар тўлови, шунингдек аванс тўловларини амалга ошириш учун бюджетдан маблағ олувчилар фазначилик бўлинмасига ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқномаларини қуйидагича тақдим қиладилар:

а) беш нусхада, агар фазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилса. Бюджетдан маблағ олувчининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси, бюджетдан маблағ олувчининг фазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан касса харажатларини амалга ошириш учун сўровномаси бўлиб хизмат қилади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси фазначилик бўлинмасининг раҳбари ва масъул шахси томонидан имзоланади, фазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ва банк учун фазна ҳисобварағидан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади. Банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси маҳсулот етказиб берувчига берилади. Банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан тўлов топшириқномасининг тўртинчи нусхаси фазна ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади ва фазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағида касса харажатларини акс эттириш учун асос бўлади. Фазначилик бўлинмасининг «ТЎЛАНГАН» белгиси билан ва тўланган сана қўйилган тўлов топшириқномасининг бешинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда бюджетдан маблағ олувчининг ваколатли ходимига берилади.

б) тўрт нусхада, агар фазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига ҳар хил банк филиалларида хизмат кўрсатилса. Бюджетдан маблағ олувчининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси, бюджетдан маблағ олувчининг фазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан касса харажатларини амалга ошириш учун сўровномаси бўлиб хизмат қилади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси фазначилик бўлинмасининг раҳбари ва масъул шахси томонидан имзоланади, фазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ва банк учун фазна ҳисобварағидан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади. Банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси фазна ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади ва фазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағида касса харажатларини акс эттириш учун асос бўлади. Фазначилик бўлинмасининг «ТЎЛАНГАН» белгиси билан ва тўланган сана қўйилган тўлов топшириқномасининг тўртинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда бюджетдан маблағ олувчининг ваколатли ходимига берилади.

в) уч нусхада агар фазначилик бўлинмаси ҳамда унга хизмат кўрсатув-

чи банк орасида «Банк-мижоз» дастурий мажмуи йўлга қўйилган бўлса. Бюджетдан маблағ олувчининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланган ва муҳр изи билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси, бюджетдан маблағ олувчининг ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан касса харажатларини амалга ошириш учун сўровномаси бўлиб хизмат қилади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси ғазначилик бўлинмасининг раҳбари ва масъул шахси томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқланади ва ғазна ҳисобварағидан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади. Ғазначилик бўлинмасининг «ТЎЛАНГАН» белгиси билан ва тўланган сана қўйилган тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда бюджетдан маблағ олувчининг ваколатли ходимига берилади.

Бунда, тўлов топшириқномасининг «Тўловчининг номи» устунида ғазначилик бўлинмасининг номи, «Тўловчининг ҳисоб рақами» устунида — ғазна ҳисобварағи, «Тўлов мақсади» устунида — бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварақ рақами ва бюджетдан маблағ олувчининг номи, бюджет таснифининг тегишли коди, тўловни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатлар, шунингдек тўлов мақсади кўрсатилади.

156. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ бўлганда, ғазначилик бўлинмасининг ваколатли ходими «ТЕКШИРИЛДИ» белгисини, тўлов топшириқномасини биринчи нусхасининг орқа томонига тўлов топшириқномаси қабул қилинган санани ва ўзининг имзосини қўяди. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхасини ғазначилик бўлинмаси бошлиғи ва масъул шахсининг имзолари ва ғазначилик бўлинмасининг муҳр изи билан расмийлаштириш текширувлар тугаганидан сўнг амалга оширилади.

Ғазначилик бўлинмасига ғазначилик бўлинмасидаги мавжуд имзо ва муҳр изи намуналарини бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган, ғазна ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқариш учун банкка тақдим қилинадиган ҳужжатлардагилар билан солиштириш мажбурияти юклатилади.

157. Тўлов топшириқномалари бўйича ғазна ҳисобварағидан тўловлар амалга ошириш учун ғазначилик бўлинмаси банкка тўлов топшириқномаларининг иккинчи ва учинчи (ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолларда, тўртинчи) нусхаларини (Банк-мижоз дастури ишлатилгандан ташқари ҳолатларда) тақдим қилади.

158. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов ўтказилгандан сўнг, тўлов топшириқномасининг иккинчи (ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолларда, учинчи) нусхаси банкда қолади, учинчи (ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолларда, тўртинчи) нусхаси банкнинг штампи ва масъул ходимининг имзоси билан ва ғазна ҳисобварағидан кўчирма ғазначилик бўлинмасига берилади.

159. Ҳазначилик бўлинмасининг тегишли ходими бюджетдан маблағ олувчиларнинг тегишли шахсий ҳисобварақларига белги қўйгандан сўнг, бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма ва тўлов топшириқномасининг тўртинчи (ҳазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолларда, бешинчи) нусхаси ҳазначилик бўлинмаси масъул ходимининг белгиси билан бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади.

VIII. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига харажатларни амалга ошириш

160. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларнинг қабул қилиниши, шунингдек бюджетдан ташқари маблағларнинг касса харажатлари келиб тушган бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширилади ва бюджет маблағлари каби бир хил тартибда расмийлаштирилади.

IX. Қўшимча даврда Давлат бюджетининг ғазна ижроси

161. Ўтган йил учун Давлат бюджетининг ғазна ижроси амалга оширилдиган молия йилига қўшимча давр кейинги йилнинг январь ойи ҳисобланади.

162. Қўшимча даврда молия органлари, ҳазначилик бўлинмалари, шунингдек бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ҳисобот йили учун Давлат бюджетининг ижроси бўйича қуйидаги операциялар амалга оширилади, жумладан:

бюджетлараро ҳисоб-китобларни тартибга солиш;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўтган йил учун кредиторлик қарзларини тўлаш;

иктисод қилинган маблағлар суммасини бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаларига ўтказиш;

Давлат бюджети ижроси бўйича бошқа операциялар.

163. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг коммунал хизматлари бўйича ўтувчи кредиторлик қарзларини тўлаш, шу билан биргаликда улар бўйича шартномаларни рўйхатдан ўтказиш, ўтган молия йили лимитлари доирасида қабул қилинган молиявий мажбуриятлар бўйича (декабрь ойи учун ўтувчи қарзлардан ташқари) тўловлар қўшимча даврда ўтган молия йилининг харажатлар сметасида ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари доирасида, харажатлар сметасининг кредиторлик қарзи мавжуд бўлган моддасида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

164. Бюджет ташкилотлари томонидан мазкур модда бўйича кредиторлик қарзи қўшимча даврда ўтган йилнинг харажатлар сметасида ажратилган бюджет маблағлари қолдиқлари ҳисобидан тўлаб берилмаганда ва маблағлар Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилган тақдирда, кредиторлик қарзни тўлаш, қўшимча давр тугаганидан кейин,

Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ва (ёки) бошқа мавжуд бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

165. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ёки бошқа бюджетдан ташқари маблағлар етарли бўлмаганда ёки умуман мавжуд бўлмаган ҳолларда, ўтган йилнинг кредиторлик қарзлари молия органининг бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлари йўқлигини тасдиқловчи хулосаси, шунингдек кредиторлик қарзини (бюджет ташкилотлари томонидан ўрнатилган тартибда тақдим қилинган тасдиқланган сметалар ва кредиторлик қарзларининг келиб чиқиши бўйича тегишли ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар асосида) тўлаш учун зарур бўлган маблағлар жорий молия йилининг харажатлар сметасида назарда тутилганлиги тўғрисида молия органи томонидан ғазначилик бўлинмаси хабардор қилинган тақдирда, жорий молия йили харажатлар сметаларида (вақтинчалик харажатлар сметаларини ҳисобга олган ҳолда) назарда тутилган маблағлар ҳисобидан тўлаб берилиши мумкин.

166. Ўтган йилнинг кредиторлик қарзларини тўлаб бериш учун бюджет ташкилотлари томонидан уларга хизмат кўрсатувчи ғазначилик бўлинмаларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

кредиторлик қарзи юзага келган коммунал хизматлари кўрсатиш бўйича ўтган молия йилининг шартномалари нусхаси;

ўтган йил якуни бўйича бюджетдан маблағ олувчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузилган солиштирма далолатнома (қўшимча даврда амалга оширилган ҳисоб-китоблар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тўланган кредиторлик қарзларини ҳисобга олган ҳолда).

Ўтган йилнинг декабрь ойи учун кредиторлик қарзи жорий молия йили харажатлар сметасида (вақтинчалик харажатлар сметаларини ҳисобга олган ҳолда) назарда тутилган ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

167. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг коммунал хизматлар бўйича ўтувчи кредиторлик қарзини тўлаш, шу билан биргаликда улар бўйича шартномаларни рўйхатдан ўтказиш, ўтган молия йили лимитларидан ошқича қабул қилинган молиявий мажбуриятлар бўйича тўлов ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

168. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан режали ажратилган бюджет маблағларининг тегишли моддаларидан ортиқча миқдорда молиявий мажбуриятлар қабул қилиниши натижасида ўтган йилнинг харажатлар сметаси маблағлари ҳисобидан кредиторлик қарзларни тўлаб бериш имконияти бўлмаган ҳолларда, кредиторлик қарзларни қоплаш қўшимча давр туганидан сўнг, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

биринчи навбатда, Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва (ёки) бошқа мавжуд бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ўрнатилган тартибда;

Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ёки бошқа мавжуд бюджетдан ташқари маблағлари етарли бўлмаганда ёки уму-

ман мавжуд бўлмаган тақдирда, жорий молия йили харажатлар сметаси ҳисобидан (вақтинчалик харажатлар сметаларини ҳисобга олган ҳолда), молия органининг бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлари йўқлигини тасдиқловчи ҳулосаси, шунингдек кредиторлик қарзини (бюджет ташкилотлари томонидан ўрнатилган тартибда тақдим қилинган тасдиқланган сметалар ва кредиторлик қарзлари келиб чиқиши бўйича тегишли ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар асосида) тўлаш учун зарур бўлган маблағлар жорий йилнинг харажатлар сметасида назарда тутилганлиги тўғрисида молия органи томонидан фазначилик бўлинмаси хабардор қилинган тақдирда тўлаб берилиши мумкин.

169. Ўтган йилнинг кредиторлик қарзларини тўлаб бериш учун бюджет ташкилотлари томонидан уларга хизмат кўрсатувчи фазначилик бўлинмаларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

ўтган йилда қабул қилинган ва жорий йилда қабул қилинадиган етказиб бериш бўйича мажбуриятларни алоҳида кўрсатган ҳолда коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар;

ўтган йил якуни бўйича бюджетдан маблағ олувчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузилган солиштирма далолатнома (қўшимча даврда амалга оширилган ҳисоб-китоблар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тўланган кредиторлик қарзларни ҳисобга олган ҳолда).

170. Тўлаб берилмаган кредиторлик қарзи мавжуд бўлганда, жорий молия йилида ажратилган бюджет маблағларининг бир қисми кредиторлик қарзини тўлаб бериш учун захира қилиб қўйилиши лозим. Бунда, бюджетдан маблағ олувчи томонидан жорий молия йили харажатлар сметасидаги тегишли моддалар бўйича юридик мажбуриятларни қабул қилиш, ўтган йилнинг кредиторлик қарзини тўлашга йўналтириладиган маблағлар миқдорига камайтирилган бюджет ажратмалари доирасида, захира қилинган маблағларни ўтган йилнинг кредиторлик қарзини қоплашга мажбурий йўналтириш орқали амалга оширилади.

171. Фазначилик бўлинмалари ўтган йилнинг харажатлар сметасида назарда тутилган режали ажратилган бюджет маблағлари суммаларидан қабул қилинган молиявий мажбуриятлар суммалари ошиб кетган ҳолларда, бу ҳақда Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг тегишли бўлинмаларига чоралар кўриш учун маълумот беради.

172. Харажатлар сметасида (вақтинчалик харажатлар сметасида) режалаштирилган маблағлар етарли ёки мавжуд бўлмаганда ёки режалаштирилган маблағлар ўтган йилги мажбуриятлар билан банд қилинган тақдирда, молия органи ўз ваколати доирасида, йил давомида кредиторлик қарзини тўлаб бериш учун қўшимча маблағ излаш бўйича чораларни кўради.

173. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш учун бошқа шартномалари бўйича ўтган молия йилининг кредиторлик қарзларининг қопланиши қатъий равишда харажатлар сметасида назарда тутилган бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

174. Кейинги молия йилига ўтадиган кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган бюджетдан маблағ олувчилар уларга хизмат кўрсатувчи фазначилик бўлинмаларига қўшимча даврда операциялар амалга оширилгунгача (яъни 1 январь ҳолатига) ва қўшимча даврда операциялар амалга оширилгандан кейинги ҳолатга (яъни 1 февраль ҳолатига) маҳсулот етказиб берувчилар билан тузилган солиштира далолатномаларни тақдим этадилар.

175. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ўтган йил ҳисобидан молия йилига қўшимча даврда амалга ошириладиган харажатлар бўйича тўлов топшириқномаларни тўлдиришда, уларнинг тўлов мақсадида, мажбурий тартибда, «20___ йил учун кредиторлик қарзни қоплаш» ёзуви ёзилади.

176. Фазначилик ижросига ўтган бюджетдан маблағ олувчилар ўтган йил учун тўлов топшириқномаларни фазначилик бўлинмаларига молия йилига қўшимча давр тугагунига қадар 5 иш куни қолгандан кечикмасдан тақдим этишлари шарт.

177. Молия йили якунида бюджет маблағларининг эркин қолдиқлари фазна ҳисобварақларда мавжуд бўлган қуйидаги бюджетдан ташқари маблағлардан ташқари, яъни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари, ота-оналарнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида болаларни сақлаш учун тўловлари, шунингдек болаларни мусиқа ва санъат мактабларида ўқитиш учун тўловлар, ишчилардан ўзларининг иш жойларида овқатланиш учун ҳисоб-китоблардан тушумлар (болаларнинг мактабгача таълим муассасалари, интернатлари ва бошқаларда), шунингдек молия йилига қўшимча даврда кредиторлик қарзларни қоплаш учун йўналтирилган операцияларни амалга оширишдан ташқари, белгиланган тартибда аниқланади.

178. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўрнатилган тартибда қўшимча давр мобайнида ўтган молия йилини якунлаш бўйича операцияларни амалга ошириш муддатларини белгилайди.

Бунда, қўшимча даврда кредиторлик қарзни тўлаш ва Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига иқтисод қилинган маблағларни ўтказиш фазна ижроси билан қамраб олинган бюджетдан маблағ олувчилар томонидан фазна ҳисобварақлари орқали амалга оширилади.

179. Қуйидагилар натижасида бўшаган маблағлар иқтисод қилинган маблағлар ҳисобланмайди ва Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилмайди:

ҳисобот чораги охириги ойининг иккинчи ярми учун иш ҳақини тўлашга молиялаштирилган маблағлар, депонентлаштирилган иш ҳақи ва стипендиялар, тўлиқ молиялаштирилмаганлик (тўловлар тўлиқ амалга оширилмаганлиги) ёки депозит ҳисобварағида маблағларнинг етишмаслиги натижасида олиб бўлинмаган нафақалар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби»нинг 4-банди билан ўрнатилган, ҳисобланган, лекин иккинчи гуруҳ «Иш берув-

чининг ажратмалари» харажатлари бўйича ўтказилмаган харажатлар натижасида бўшаб қолган маблағлар;

бюджет ташкилотларининг сет, штат ва контингент бўйича режанинг бажарилмаслиги ёки ўрнатилган муддатлардан кеч бажарилиши, янги муассасаларнинг очилиши ёки фаолиятнинг кенгайиши сабабли бўшаб қолган маблағлар;

бюджетдан маблағ олувчининг фаолиятини (вақтинчалик) тўхтатилиши натижасида бўшаб қолган маблағлар;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг меъёрдан ортиқча штат сонининг тасдиқланиши натижасида бўшаб қолган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, шунингдек вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларининг алоҳида қарорлари қабул қилиниши натижасида бўшаб қолган маблағлар.

180. Бунда, қўшимча даврда иқтисод қилинган маблағларни ўтказиш бюджетдан маблағ олувчилар томонидан қуйидагича амалга оширилади:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қарамоғидаги бюджетдан маблағ олувчилар бўйича — мазкур Қоидаларнинг 179-бандини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган тегишли ҳудудий молия органининг ҳулосаси асосида;

республика бюджети қарамоғидаги бюджетдан маблағ олувчилар бўйича — бюджетдан маблағ олувчилар томонидан мустақил равишда мазкур Қоидаларнинг 179-банди талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда.

181. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сонли қарорига мувофиқ бюджет ташкилотлари раҳбарлари бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган иқтисод қилинган бюджет маблағларини нотўғри аниқланганлиги учун шахсий жавобгардирлар.

182. Молия йилининг тугашига беш кун қолганда кечикмаган муддатда бюджет ташкилотлари, тегишли молия органлари ва фазначилик бўлинмалари бюджет маблағларининг ҳар бир харажатлар сметаси бўйича аниқланган режали бюджет маблағларини ўзаро солиштиришни амалга оширади.

183. Аниқланган режали бюджет маблағларини ўзаро солиштиришни амалга ошириш учун бюджет ташкилотлари аниқланган мазкур Қоидаларнинг 11-иловасидаги шаклга мувофиқ режали бюджетдан ажратилган маблағларнинг солиштирма далолатномасини (кейинги ўринларда — солиштирма далолатнома) уч нусхада тайёрлайди.

Солиштирма далолатнома бюджет ташкилотининг раҳбари ва бош ҳисобчиси (режа хизмати бошлиғи) томонидан имзоланади ва тегишли молия органига тақдим қилинади.

Режали ажратилган маблағлар суммасида фарқлар аниқланмаганда, солиштирма далолатномаларнинг нусхалари молия органлари томонидан тасдиқланади.

184. Молия органлари томонидан тасдиқланган солиштирма далолатномаларнинг нусхалари ғазначилик бўлинмаларига такдим қилинади.

Режали ажратилган бюджет маблағлари суммасида фарқлар мавжуд бўлмаганда, ғазначилик бўлинмалари солиштирма далолатнома нусхасини тасдиқлайди ва уларни бюджет ташкилотларига қайтаради, бунда иккинчи нусхаси ғазначилик бўлинмаларида қолади.

185. Қўшимча даврда барча операциялар солиштирилган аниқланган бюджетдан ажратилган маблағлар асосида амалга оширилади.

186. Қўшимча даврда кредиторлик қарзлари ўтган йилги харажатлар сметасининг қайси харажат моддалари бўйича кредиторлик қарзлари мавжуд бўлса, ушбу харажат моддалари бўйича ўрнатилган тартибда қопланади.

187. Ўтган йилнинг харажатлар сметаси ҳисобидан кредиторлик қарзларни қоплашнинг имкони бўлмаган ҳолларда, кредиторлик қарзларнинг қопланиши қўшимча давр тугагандан сўнг, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

биринчи навбатда ўрнатилган тартибда Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасида маблағлар мавжуд бўлмаганда ёки етарли бўлмаган ҳолларда, кейинги молия йилининг харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан.

Бунда, кейинги молия йили харажатлар сметасининг тегишли моддаси бўйича қабул қилинадиган юридик мажбуриятлар суммаси ўтган йилги кредиторлик қарзлар суммасини қоплашга йўналтирилган суммага мажбурий йўналтириш билан ўтган йилда қопланмаган кредиторлик қарзлари сумма-сига камайтиради.

188. Худудий ғазначилик бўлинмалари режали ажратилган бюджет маблағларидан молиявий мажбуриятлар ортиқча қабул қилинган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг тегишли худудий бошқармаларига тегишли чоралар кўриш учун такдим этадилар.

189. Кейинги молия йилида, қўшимча давр мобайнида ғазна ҳисобварафига қайтарилган ўтган йилнинг бюджет маблағлари бўйича бюджет ташкилотининг дебиторлик қарзи тикланган касса харажатлари бўлиб ҳисобга олинади ва бюджет ташкилоти томонидан маҳсулот етказиб берувчи (пудратчи) билан тузилган солиштирма далолатномалар ғазначилик бўлинмаларига такдим қилинганидан сўнг, Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўрнатилган тартибда йўналтирилади.

190. Қўшимча давр мобайнида бюджет ташкилотлари томонидан кредиторлик қарзларни қопланиши ёки иқтисод қилинган маблағларни Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳисобварафига ўтказилиши бўйича тўлов топшириқномаларни расмийлаштиришда, тўлов топшириқномаларининг тўлов мақсадида «ўтган йилнинг кредиторлик қарзларини қоплаш» ёки «ўтган йилда иқтисод қилинган маблағларни Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш» ёзуви ёзилади.

191. Қўшимча даврда ўтган йилнинг кредиторлик қарзларининг қопла-

ниши, шунингдек иқтисод қилинган маблағларнинг Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши бўйича тўлов топшириқномалари ҳудудий ғазначилик бўлинмаларига қўшимча давр тугашига 5 иш куни қолгунига қадар тақдим қилинади.

Бунда, иқтисод қилинган маблағларни ўтказиш учун тўлов топшириқномаларига қуйидагилар илова қилинади:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қарамоғидаги бюджетдан маблағ олувчилар бўйича — тегишли ҳудудий молия органининг хулосаси;

республика бюджети қарамоғидаги бюджетдан маблағ олувчилар бўйича — бюджетдан маблағ олувчининг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган ва иқтисод қилинган маблағлар суммаси кўрсатилган хат.

Қўшимча давр тугагунга қадар бюджетдан маблағ олувчилар томонидан кредиторлик қарзларни қопланиши ва уларнинг депозит ҳисобварақларида (шахсий ҳисобварақларида) бюджет маблағлари бўйича қолган, иқтисод қилинган маблағларни ўтказиш учун тўлов топшириқномалари тақдим қилинмаган тақдирда ушбу маблағлар ўз мақсадини йўқотади ва янги молия йи-лида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

192. Республика бюджети қарамоғидаги бюджетдан маблағ олувчилар бўйича ушбу Қоидаларнинг 179-бандига мувофиқ, фойдаланилмаган маблағлар қўшимча давр тугагунига қадар республика бюджетининг асосий ҳисобварағига қайтарилади.

Бунда, тўлов топшириқноманинг тўлов мақсадида «республика бюджетига ўтказилиши лозим бўлган ўтган йилда фойдаланилмаган маблағлар» ёзуви ёзилади.

Бюджет ташкилотининг иқтисод қилинган маблағлари ҳисобига шаклланган Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағларининг сарфланишига 1 февралдан, фақат кредиторлик қарзлари мавжуд бўлмаган ҳоллардагина рухсат этилади.

Кредиторлик қарзнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тегишли ғазначилик бўлинмаларига маҳсулот етказиб берувчилар билан тегишли молия йилининг қўшимча давр боши ҳамда охирига тузилган солиштирма далолатномалар тақдим қилиниши лозим.

193. Қўшимча даврда, шунингдек ўтган йил давомида ишлатилмай қолган:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармасидан ажратилган маблағлар;

ўтган йил учун Давлат ташқи қарзларининг қопланишига ажратилган ва ўтказилган маблағлар республика бюджети ҳисобварағига (PFX) қайтарилади.

194. Ўтган йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармасидан ажратилган, шунингдек Давлат ташқи қарзларини қопланишига ажратилган ва ўтказилган маблағларнинг ишлатилмаган

қисмининг қайтарилиши кейинги йилнинг 10 январидан кечикмасдан амалга оширилади.

195. Қайтариш учун тўлов топшириқномаларнинг тўлов мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармасидан ажратилган маблағлар бўйича «ўтган йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармасидан ажратилган маблағларнинг ишлатилмаган қисмининг қайтарилиши»;

ўтган йил учун Давлат ташқи қарзларининг қопланишига йўналтирилган тўловлар бўйича «Ўтган йил учун Давлат ташқи қарзларини қоплаш ҳисобига маблағларнинг ўтказилиши» ёзуви ёзилади.

196. Қўшимча даврда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Бунда, молия йилига қўшимча даврда кредиторлик қарзни тўлаш, шунингдек Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига иқтисод қилинган маблағларни ўтказиш бўйича операциялар ўтган йилнинг касса харажатлари сифатида ҳисобга олинади.

197. Ҳазначилик бўлинмалари қўшимча даврда амалга ошириладиган қуйидаги операцияларнинг ҳисобини юритади:

кредиторлик қарзларини тўлаш;

Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига иқтисод қилинган маблағларни ўтказиш;

республика бюджетига ишлатилмаган маблағларни қайтариш.

198. Қўшимча давр якунлангандан сўнг ҳазначилик бўлинмалари ўрнатилган муддатларда ва тартибда тегишли Молия вазирлигига ёки ҳудудий молия органларига мазкур Қоидаларнинг 12-иловасидаги шаклга мувофиқ, қўшимча даврда амалга оширилган операциялар суммалари тўғрисидаги маълумотни тақдим қиладилар.

Ҳазначилик бўлинмалари томонидан тақдим қилинган йиғма маълумотлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ўрнатилган муддатларда тақдим қилинади.

199. Бюджет маблағларининг эркин қолдиқлари:

ҳудудий ғазна ҳисобварақлардаги молия йили якунига мавжуд қолдиқ маблағлари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида болаларни сақлаш учун ота-оналарнинг тўловлари ҳамда мусиқа ва санъат мактабларида болаларни ўқитиш учун тўловлар, молия йилига қўшимча даврда амалга оширилган операцияларни ҳисобга олгандан ташқари ҳудудий ғазна ҳисобварақлардаги мавжуд маблағлар доирасида, ўрнатилган тартибда;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар бўйича (ХҲҲ ишлатмаган ҳолда ғазна ижросига ўтган) молия йили якунига, қўшимча даврда амалга оши-

рилган операцияларни ҳисобга олган ҳолда, ўрнатилган тартибда аниқланади.

Х. Яқуний қоидалар

200. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан назорат қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

201. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари қонунчиликка мувофиқ:

бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга;

маҳсулот етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва асослилиги ва уларнинг қонунчиликка мувофиқлигига;

IV гуруҳ маблағлари ҳисобидан олинадиган нақд пул маблағларининг асослилиги ҳамда мақсадли ишлатилишининг таъминланишига;

ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинадиган товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг, ғазна ҳисобварағидан амалга ошириш учун тўлов топшириқномалар ва нақд пул учун сўровномаларнинг ҳаққонийлигига;

чек дафтарчаларининг сақланишига;

маҳсулот етказиб берувчилар олдидаги қарздорликнинг тўғри аниқланишига жавобгардирлар.

202. Ғазначилик бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхатга олинган шартномаларини харажатлар сметаларида, шунингдек капитал қурилиш харажатлари бўйича эса — қурилиш объектларининг ойлик ёйилмалари бўйича (Давлат бюджети ҳисобидан капитал қурилиш объектлари бўйича харажатлар сметаларида) назарда тутилган режали ажратилган бюджет маблағларига мувофиқлигига ва мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқлигига ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўлови устидан назоратнинг тўғри амалга оширилишига жавобгардирлар.

203. Ғазначилик бўлинмалари ходимлари қонунчиликка мувофиқ, электрон тўлов топшириқномаларнинг «Ғазначилик» дастурий мажмуида тўғри шакллантирилиши ва улар тўловини «Банк-мижоз» дастурий мажмуи орқали амалга оширилишига, нақд пул маблағлари олиш учун чекларнинг мазкур Қоидалар ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ тўғри расмийлаштирилишига шахсан жавобгардирлар.

204. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2009 йил 4 август

Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидаларига
1-ИЛОВА

«Келишилган»

«Келишилган»

Молия органи номи

Молия органи номи

(имзо)

(Молия органи раҳбари)

(имзо)

(Капитал қўйилмаларни молиялаштириш бўлими бошлиғи)

(Молия вазирлиги ДБББ бошлиғи)

(Молия вазирлиги Инвестиция бошқармаси бошлиғи)

М.Ў.

М.Ў.

20__ йилга капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмаси
(Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш объектлари бўйича харажатлар сметаси)

Ташкилот _____ Бюджет _____
Бўлим _____ Боб _____ Параграф _____ жумладан

№	Объектлар номи	Харажатлар моддаси	Манзили дастурда кўзда тутилган йиллик лимит	1 чоракка режа			
				жами	шу жумладан ойлар бўйича		
					январь	февраль	март
а	б	в	жами	2	4	6	7
	Ишлаб чиқариш соҳасида асосий капитал активларга қурилиш, реконструкция ва харид қилиш харажатлари (ноншлаб чиқариш соҳасида асосий капитал активларга қурилиш, реконструкция ва харид қилиш харажатлари)	04 2 00 (04 3 00)					
	жумладан объектлар бўйича:						
	Буюртмачи харажатлари — жами	04 2 10 (04 3 10)					
	...						
	Жами объектлар бўйича :						

Капитал қурилиш буюртмачиси раҳбари

(имзо)

Капитал қурилиш буюртмачиси бош ҳисобчиси

(имзо)

Буюртмачининг муҳри

«__» _____ 20__ й.

Жадвалнинг давоми

2 чоракка режа				3 чоракка режа				4 чоракка режа			
жами	шу жумладан ойлар бўйича			жами	шу жумладан ойлар бўйича			жами	шу жумладан ойлар бўйича		
	апрель	май	июнь		июль	август	сентябрь		октябрь	ноябрь	декабрь
8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19

Давлат бюджетининг газна ижроси
қоидаларига
2-ИЛОВА

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

_____ (мол сўказиб берувчининг номи)

_____ (бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: _____

Манзил: _____

Тел./факс _____

Тел./факс _____

ҳ/в _____

ш/ҳ* _____

Банк номи _____

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи _____

МФО _____ СТИР _____

ОКОНХ _____

ОКОНХ _____

Ғазначилик бўлинмаси номи _____

Ғазна ҳ/в _____

Банкнинг номи _____

МФО _____ ғазначилик

бўлинмаси СТИРи _____

Раҳбар _____

(Ф.И.Ш)

Раҳбар _____

(лавозим) (Ф.И.Ш)

_____ (имзо)

_____ (имзо)

М.Ў.

М.Ў.

Изоҳ:

* Бюджетдан маблағ олувчининг ғазначилик бўлинмасида очилган тегишли шахсий ҳисобварағи (шахсий ҳисобварақлари) кўрсатилади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси
қоидаларига
2а-ИЛОВА

Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

(мол етказиб берувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: _____

Манзил: _____

Тел./факс _____

Тел./факс _____

ҳ/в _____

ш/ҳ* _____

Банк номи _____

Банк номи _____

МФО _____ СТИР _____

ҳ/в** _____

ОКОНХ _____

МФО _____ СТИР _____

ОКОНХ _____

Ғазначилик бўлинмаси номи _____

Ғазна ҳ/в _____

Банкнинг номи _____

МФО _____ ғазначилик

бўлинмаси СТИРи _____

Раҳбар _____
(Ф.И.Ш)

Раҳбар _____
(лавозим) (Ф.И.Ш)

(имзо)

(имзо)

М.Ў.

М.Ў.

Изоҳ:

* Бюджетдан маблағ олувчининг ғазначилик бўлинмасида очилган тегишли шахсий ҳисобварағи (шахсий ҳисобварақлари) кўрсатилади;

** Бюджетдан маблағ олувчининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинганча ҳисобварағи кўрсатилади.

Давлат бюджетининг газна ижроси
қоидаларига
3-ИЛОВА

20__ й. «__» _____ даги _____ ва _____ ўртасида
_____ умумий суммага тузилган _____ - сонли шартномага
ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

(сўмда)

20__ й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	...*	...*	...*	
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича				

Жами _____ сўм (_____)
(сумма сўз билан)

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан _____% 20__ _____ ойида тўланиши лозим.

** Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ойлик равишда олдиндан тўланиши лозим.

Раҳбар

М.Ў.

Бош ҳисобчи

(имзо)

(имзо)

Ҳазначилик бўлинмаси
ходими қабул қилди

20__ й. «__» _____

(имзо)

Бюджетдан маблағ олувчи
ходими қабул қилди

20__ й. «__» _____

(имзо)

* Бўлим, боб, параграф ва харажатлар моддаси кўрсатилади;

** Ушбу сатр бюджетдан маблағ олувчилар томонидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергияси етказиб бериш, коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизмати ва бошқа шунга ўхшаш ҳар ой кўрсатиладиган хизматлар кўрсатиш учун шартномалар бўйича олдиндан тўлов амалга оширилган ҳолларда тўлдирилади.

Давлат бюджетининг газна ижроси
қоидаларига
4-ИЛОВА

422-модда

**Бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчилар
билан тузган шартномаларини рўйхатга олиш
КИТОБИ**

Т/р	Шартнома тузилган санаси, рақами ва шартнома суммаси	Номи ва реквизитлари		Шартноманинг Ғазначилик томонидан қабул қилинган санаси	Ғазначиликнинг рўйхат рақами	Шартноманинг Ғазначиликда рўйхатга олинган санаси
		бюджетдан маблағ олувчининг	товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчининг			
1.						
2.						
3.						
...						

— 158 —

38 (382) -сон

**Қайтарилган шартномаларни рўйхатга олиш
КИТОБИ**

Т/р	Шартнома рақами	Шартнома санаси	Номи ва реквизитлари		Шартнома қабул қилинган сана	Қайтарилиш сабаблари	Қайтарилган сана
			Бюджетдан маблағ олувчининг	Товар (иш, хизмат) етказиб берувчининг			
1.							
2.							
3.							
...							

Давлат бюджетининг газна ижроси
коидаларига
6-ИЛОВА

**Юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш учун
СЎРОВНОМА**

_____ -сон 20__ й. «__» _____
20__ й. _____ га

Бюджетдан маблағ олувчининг номи _____

Бўлим _____

Боб _____

Параграф _____

Шахсий ҳисобварақ _____

Шартнома рақами*	Тузилган сана*	Мол етказиб берувчининг (тўловни олувчининг) номи	Мол етказиб берувчининг (тўловни олувчининг) банк реквизитлари	Суммаси (сўмда)

Тақдим қилинган сана 20__ й. «__» _____

Раҳбар

(имзо)

Ф.И.Ш

М.Ў.

Бош ҳисобчи

(имзо)

Ф.И.Ш

* Ушбу сатрлар шартномалар тузилишини талаб қилмайдиган юридик мажбуриятлар қабул қилинганда (давлат божлари, аъзолик бадаллари ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар тўланганда) тўлдирилмайди.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидаларига
7-ИЛОВА

Сўровнома № _____

_____ (туман, шаҳар, вилоят)
Ғазначилик бўлинмаси

_____ бўйича _____ ой
туман (шаҳар, вилоят) (ташкилот номи) (сана)

учун иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича харажатларга нақд пул маблағларини олишга

Т/р	Ташкилот номи	Ҳисобланган иш ҳақи		Ҳисобланган иш ҳақидан чегирмалар						
		жами	шу жумладан: имтиёзли (мод. ёрдам ва бошқалар)	даромад солиғи	пенсия жамғармасига тўловлар (2,5%)	касаба уюшмаси бадали	«маърифатпар варлар» уюшмасига бадал	жамланма пенсия ҳисобига бадал	аванс	алимент- лар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
	Параграф бўйича жами									

Изоҳ: сўровномада берилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлаймиз.
Ушбу шакл ташкилот томонидан хизмат кўрсатувчи банк белгиланган графикдаги нақд пул маблағларини олиш муддатидан ___ иш куни олдин тақдим қилинади.

Ташкилот раҳбари

_____ (имзо) _____ (Ф.И.Ш.)

Бош ҳисобчи

_____ (имзо) _____ (Ф.И.Ш.)

Жадвалнинг давоми
(сўмда)

жарималар	газ	электр энергияси	ер солиғи	военкомат	ХДП	Жами ушланди	Омонат кассаси	Касаллик варақлари ва пенсия тўловлари	Жами нақд пул шаклида (19 + 20)	Ҳисобланган иш ҳақидан чегирмалар (...%)
12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22

Давлат бюджетининг газна ижроси
қоидаларига
8-ИЛОВА

Штамп*

ИШОНЧНОМА

(ташкilot номи)

моддий жавобгар шахс (кассир)га ишонч билдиради

(Ф.И.Ш.)

(паспорт рақами, серияси, берилган сана ва ким томонидан берилган)

газна ҳисобварагининг _____ да очилган

(газначилик бўлинмаси номи)

қўйидаги шахсий газна ҳисобварақларидан нақд пул олишга:

Моддий жавобгар шахснинг имзосини _____ тасдиқлаймиз

(Ф.И.Ш.)

Мазкур ишончнома 20__ йил _____ гача ҳақиқий.

Ташкilot раҳбари _____

Бош ҳисобчи _____

20__ йил «____» _____

Бошлиқ

(газначилик бўлинмаси номи)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

20__ й. «____» _____

* Изоҳ: Бюджетдан маблағ олувчилар Газначилик бўлинмасига ишончномани гербли бланкда тақдим этадилар, гербли бланк (фирменный бланк) мавжуд бўлмаганда эса бюджетдан маблағ олувчилар бурчакли штамп қўйилган ҳолда тоза варақда тақдим этадилар.

Давлат бюджетининг газна ижроси
қоидаларига
9-ИЛОВА

**Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий
ҳисобварақларидан берилган кўчирмаларни рўйхатга олиш
Ж У Р Н А Л И**

Т/р	Ташкилот номи	Бўлим, боб, параграф	Кўчирма санаси	Олинган сана	Бюджетдан маблағ олувчи имзоси
...					
...					
...					

**Берилган ва ишлатилган чекларни ҳисобга олиш
Ж У Р Н А Л И**

Т/р	Чек дафтарчасини берган банк муассасасининг номи	Чек дафтарча- сининг рақами	Чеклар сони	Берилган			Қайтарилган (ишлатилган чек дафтарчалари)		
				бюджетдан маблағ олувчининг номи	ишончли шахснинг Ф.И.Ш.	бюджетдан маблағ олувчининг ишончли шахси имзоси	бюджетдан маблағ олувчининг номи	ишончли шахснинг Ф.И.Ш.	бюджетдан маблағ олувчининг ишончли шахси имзоси

Давлат бюджетининг газна ижроси
қоидаларига
11-ИЛОВА

Аниқланган режали бюджетдан ажратилган маблағларнинг солиштирма ДАЛОЛАТНОМАСИ

минг сўмда

Т/р	Харажатлар моддаси	Код	Аниқланган режа
1.	<i>Иш ҳақи — жами</i>	<i>01 1 00</i>	
2.	<i>Иш ҳақи</i>	<i>01 1 10</i>	
3.	<i>Умумтаълим муассасаларида ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари</i>	<i>01 1 30</i>	
	<i>ва бошқалар</i>		
	I гуруҳ бўйича жами	x	
	II гуруҳ бўйича жами	x	
	Хизмат сафари харажатлари	01 3 00	
	...		
	IV гуруҳ бўйича жами		
	Жами		

Тармоқ бошқармаси
(бюджет бўлими) бошлиғи:

Ҳазначилик
бўлимаси бошлиғи:

Бюджет ташкилоти
раҳбари: _____

Масъул ходим: _____

Масъул ходим: _____

Бош ҳисобчи
(режа хизмати ходими): _____

20__ й. «__» _____

20__ й. «__» _____

20__ й. «__» _____

Қўшимча даврда амалга оширилган операциялар суммалари тўғрисидаги МАЪЛУМОТ

_____ (худуд номи)

Бюджет _____
(республика, _____ вилоят, _____ туман, шаҳар)

Бўлим _____

Боб _____

Параграф _____

Харажатлар моддаси	Код	Тўланган кредитор қарздорлик суммаси	Кредитор қарз тўлангандан сўнг аниқланган иқтисод қилинган сумма		
			жами	шу жумладан	
				ривожлантириш жамғармасига ўтказилган	ривожлантириш жамғармасига ўтказилмаган
<i>Иш ҳақи — Жами</i>	01 1 00				
<i>Иш ҳақи</i>	01 1 10				
<i>Умумтаълим муассасаларида ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари ва бошқалар</i>	01 1 30				
I гуруҳ бўйича жами	x				
....					
Жами					

Раҳбар
(амалиёт бошқармаси бошлиғи)

_____ (ф.и.ш.)

_____ (имзо)

Бош ҳисобчи
(амалиёт бўлими бошлиғи)

_____ (ф.и.ш.)

_____ (имзо)

М.Ў.

20__ й. «__» _____

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 12 сентябрдан 18 сентябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/4-сонли қарори.*

2009 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1635-1 (2009 йил 24 сентябрдан кучга киради).

2. «16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий ҳулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2009 йил 13 августдаги 14, 51-ҚҚ-сонли қарори.*

2009 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2005 (2009 йил 25 сентябрдан кучга киради).

3. «Қурилиш материаллари саноати ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 25 августдаги 55-Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2006 (2009 йил 25 сентябрдан кучга киради).

4. «Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг ғазна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вактинчалик қоидаларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 4 августдаги 70, 20/8-сонли қарори.*

2009 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1599-2 (2009 йил 26 сентябрдан кучга киради).

5. «Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сонли буйруғи.*

2009 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2007 (2009 йил 26 сентябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. 16 ёшгача бўлган болаларга ногиронликни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1695, 2007 йил 27 июнь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 15 сентябрдаги 208-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг фазна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вақтинчалик қоидалар, 1-сон ўзгартиш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1599, 2006 йил 24 июль), (рўйхат рақами 1599-1, 2006 йил 25 ноябрь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 16 сентябрдаги 210-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг